

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:

УРАКОВ ЖУРАБЕК АБДУЛЛАЕВИЧ

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ
УСЛУБИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ»**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Хасанов Б.А.

Тошкент – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I Боб. Бюджет ташкилотларида молиявий назоратни ташкил этишнинг назарий ва услубий жиҳатлари.....	10
1.1. Таълим муассасалари бюджетининг хусусиятлари, меъёрий-ҳукукий базаси ҳамда уларнинг молиявий назоратни ташкил этишга таъсири.....	10
1.2. Бюджет ташкилотларида молиявий назоратнинг ҳозирги ҳолатини таҳлили ва уни ривожлантиришнинг йўналишлари.....	25
Биринчи боб бўйича хулоса	34
II Боб. Самарқанд вилояти Ғазначилик бошқармасида молиявий назоратни амалий масалалари.....	35
2.1. Молиявий назоратни давлат томонидан мувофиқлаштирилиши.....	35
2.2. Бюджет ташкилотларида ички назорат тизими самарадорлигини оширишнинг услубий жиҳатлари	44
Иккинчи боб бўйича хулоса	55
III Боб. Самарқанд вилояти Ғазначилик бошқармасида молиявий назоратни такомиллаштириш.....	57
3.1. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан молиялаштириш ҳисобини молиявий назорати.....	57
3.2. Тадбиркорлик фаолияти ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракатининг молиявий назорати.....	62
Учинчи боб бўйича хулоса	74
Хулоса ва таклифлар	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	78
Иловалар.....	84

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган таълим соҳасини ислоҳ қилиш концепциясининг муҳим вазифаси барқарор ва сифатли таълим хизматлари кўрсатилишини таъминлаш мақсадида унинг молиялаштириш тизимини янада яхшилаш, молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, таълим тизими бошқарувини такомиллаштиришдан иборат эди.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш сиёсати ва таълимни ислоҳ қилиш Концепцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўз аксини топди.

Бозор муносабатларини чуқурлаштириш шароитида бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминланишини яхшилаш бюджет даромадларини кўпайтириш билан биргаликда молиявий маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни, бюджетдан маблағ билан таъминланаётган муассасаларни молиялаштириш механизмини соддалаштиришни ҳам талаб қилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 январдаги 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

«Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди. Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди. Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади. 2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди. Шуларга қарамасдан, давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди. Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.»¹

Эришилган натижаларни сақлаб туриш ва янада ривожлантириш давлатимиз бюджет сиёсатидаги муҳим вазифалардан бўлиб, бу бюджет маблағларининг манзилли ва мақсадли йўналтирилишининг молиявий назоратига ҳам бевосита боғлиқдир. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши, молиявий назорат тизимининг қай даражада шаклланиши билан белгиланади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий назоратнинг моҳияти ва янгича талқини шундан иборат бўлиши лозимки, унинг ёрдамида биринчидан, давлат муассасалари томонидан ўз молиявий фаолиятларини ҳуқуқий меъёрларга риоя этилишини кузатиб боришлари; иккинчидан, амалга оширилаётган молиявий харажатларнинг иқтисодий

¹ Каримов И.А. «Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш». – Т.: Ўзбекистон, 2013, 1-б.

асосланганлиги ва самарадорлигини, ушбу харажатларнинг бюджет ташкилотлари олдида турган вазифаларга мувофиқ келишини текшириш орқали таъминлашдан иборат.

Юқоридаги ҳолатлар бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда молиявий назоратни такомиллаштириш бўйича чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади ва танланган мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланишда молиявий назорат муаммосининг айрим назарий, услубий, амалий йўналишлари хорижлик олимлар Дж.Лоббек, Э.Лоренц, Дж.Робертсон, Б.Фостерларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган. МДҲ иқтисодчилари И.А.Белобжецкий, Н.Т.Белуха, В.В.Бурцев, Ю.А.Данилевский, Н.Е.Приходько, А.Д.Шеремет илмий асарларида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда молиявий назоратнинг назарий жиҳатлари чуқур ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда Давлат бюджети ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда молиявий назорат муаммоларининг турли йўналишлари А.В.Ваҳабов, Э.Ф.Гадоев, А.М.Жуманов, Н.Ю.Жўраев, А.К.Ибрагимов, О.К.Иминов, Т.С.Маликов, З.Т.Маматов, О.О.Олимжонов, М.Остонакулов, М.Қ.Пардаев, М.М.Тулаходжаева, Б.Т.Турабов, Т.Ш.Эшназаров, Ш.В.Ғаниев, Н.Ҳ.Ҳайдаров кабиларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Молиявий назорат соҳасида тадқиқотлар олиб борган Ш.В.Ғаниевнинг илмий ишида «Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш» мақсад қилиб белгиланган².

² Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т., 2008. 4-бет.

Мазкур муаммолар тадқиқ этилишига бағишлаган М.М.Тулаходжаеванинг монографик тадқиқотида Ўзбекистонда ягона назорат-ҳисоб-таҳлилий тизимни мустақил фан сифатида шакллантиришнинг зарурияти, унинг таркибига молиявий назорат, аудит, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил киритилиши лозимлиги асосланган³.

Б.Т.Турабовнинг илмий изланишлари бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган бўлиб, унинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети маблағларидан фойдаланишнинг ҳолати ва бюджет интизомига риоя этилиши жараёни танланган⁴.

Т.Ш.Эшназаровнинг докторлик диссертациясида давлат молияси тизимидаги ғазначилик институти мисолида Ўзбекистон миллий иқтисодиётини тартибга солишнинг институционал ўзгаришлари ва бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби, молиявий назорат масалалари тадқиқ этилган⁵.

М.Остонақуловнинг илмий тадқиқотларида давлат сектори учун, хусусан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини қўллашнинг мақсадлари ва талаблари ёритилган⁶.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида молиявий назоратнинг ташкилий-услубий асосларини бюджет маблағларининг харажатлари ва даромадлари кесимида шакллантириш, молиявий назорат тизимида ички аудит хизматини ташкил этиш, молиявий назорат тизимида ҳисоб ва аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини қўллаш муаммолари ўз ечимини топмаганлиги, бу соҳада илмий ишларнинг етарли эмаслиги мазкур муаммонинг тадқиқот объекти сифатида танланишига асос бўлди.

³ Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан. – Т.: «Мир экономики и права», 1998. – с. 176.

⁴ Турабов Б.Т. Бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2007. 4-бет.

⁵ Эшназаров Т.Ш. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини тартибга солиш тизимида институционал ўзгаришлар (ғазначилик институти мисолида). Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т., 2009. 45-бет.

⁶ Остонақулов М. Давлат сектори ва бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009. 132-бет.

Тадқиқот мақсади – бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда молиявий назоратнинг зарурати ва аҳамиятини тадқиқ этиш;
- молиявий назоратдаги мавжуд муаммоларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга оид илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- бюджет маблағларидан фойдаланишда молиявий назоратни ташкил этиш юзасидан хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш ва уларни республикамиз молиявий назорат амалиётида қўллаш бўйича илмий таклифлар бериш;
- олий таълим ташкилотлари молиявий назорат тизимида ички аудит хизматини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
- таълим тизими молиявий назорат амалиётига аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини қўллаш бўйича таклифлар бериш.

Тадқиқот объекти – Самарқанд вилояти Ғазначилик бошқармасининг молиявий-хўжалик фаолияти.

Тадқиқот предмети бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишда юзага келадиган молиявий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот ишида қиёслаш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, иқтисодий-математик ва статистик усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги:

- молиявий назорат бўйича илмий асосланган гуруҳлаштириш тартиби ишлаб чиқилди. Илмий гуруҳлаштириш натижасида молиявий назоратни

ташкилий тизими халқаро амалиётга мос келиши ва унинг 8-11 %га самарали фаолият кўрсатиши таъминланди;

- бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда молиявий назоратни режалаштиришни амалга ошириш бўйича илмий таклифлар берилди;

- бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда молиявий назоратнинг халқаро ҳисоблаш усулини қўллаш шароитида молиявий назоратни ташкил этишнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Мазкур усулни қўллаш натижасида ғазначилик шароитида мажбуриятларнинг молиявий назорати 15-18 фоизга қадар самара бериш кузатилди;

- олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган 4-гуруҳ харажатлари сарфини амалга ошириш бўйича намунавий тартиб-қоида ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

- бюджет ташкилотларида ашёвий текшириш усулидан фойдаланиш бўйича молиявий назоратнинг услуби ишлаб чиқилди. Ашёвий текширув усулини қўллаш воситасида олий таълим муассасаси активлар бутлиги таъминланади. Уларнинг сақланиши ва самарали фойдаланилиши 16-20 фоизга ошади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти бюджет ташкилотларида молиявий назоратнинг меъёрий-услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда молиявий назоратни ташкил этиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан бюджет ташкилотлари фаолиятини молиявий назорат қилишда, молиявий назоратни юритиш бўйича йўриқнома ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан бюджет ташкилотларида молиявий назоратни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини текширишни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялар Самарқанд вилояти Ғазначилик бошқармаси томонидан амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот ишининг натижалари илмий мақолалар ва маъруза тезислари кўринишида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I Боб. Бюджет ташкилотларида молиявий назоратни ташкил этишнинг назарий ва услубий жиҳатлари

1.1. Таълим муассасалари бюджетининг хусусиятлари, меъёрий-ҳуқуқий базаси ҳамда уларнинг молиявий назоратни ташкил этишга таъсири

Бозор иқтисодиёти – ўзининг маъноси жиҳатидан кенг ва эркин, монополлашмаган, юксак ривожланишга хос бўлган ҳамда аниқ ижтимоий йўналишга яъни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган иқтисоддир.

Президентимиз И.А.Каримов қайд этиб этганларидек: «Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди. 2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, Давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди».⁷

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини турмуш даражасини кўтаришга мўлжалланган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Булар умумдавлат харажатлари ҳисобланиб, давлат бюджети орқали молиялаштирилади.

«Давлат бюджети» тушунчаси, иқтисодий жиҳатдан умумжамият миқёсида марказлашган, давлат иштирокида тўпланган ва сарфланадиган молиявий ресурсларни англатади. Умуман, «бюджет давлат, корхона, муассаса ва айрим шахсларнинг маълум муддатга олдиндан белгилаб

⁷ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. 4-бет.

кўйиладиган кирим, чиқим, яъни даромад ва харажатлари мажмуини ифодалайди».⁸

Давлат бюджети давлат молияси тизимида марказий ўринни эгаллайди. Бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятлари, бутун мажмуи асосида шаклланади.

Бюджет – давлатнинг олдида турган мақсад ва вазифаларини молиявий таъминлашга мўлжалланган пул маблағлари фондини шакллантириш ва харажат қилиш шаклидир. Бюджет мамлакат молиявий тизимида бошқарувчилик вазифасини ўтайди. У умумдавлат молиявий ресурс фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, бир томондан, давлат ўртасидаги тақсимлаш муносабатларининг бир қисмини, иккинчи томондан, корхоналар ва аҳоли ўртасидаги тақсимлаш муносабатларининг бир қисмини англатади.

Бюджетни шакллантириш бевосита мамлакат ялпи ички маҳсулотни шакллантириш ва уни қайта тақсимлаш билан боғлиқдир. Ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлашнинг асосий молиявий усуллари қуйидагилар ҳисобланади:

- пул тушумларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш (фойда, ҚҚС, ижтимоий бюджетдан ташқари фондларга тўлов);
- солиқларни ташкил қилиш;
- иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш;
- умумистеъмол, суғурта ва захира фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш.

Давлат бюджетдан бевосита ўз фаолиятини ҳамда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим дастаги сифатида фойдаланади.

Бюджет олдида турган вазифалар:

⁸ Қодиров А.К., Турсунов А.М. Иқтисодиёт назариясидан атамалар ва тушунчалар. – Т.: 2000. 18-бет.

- ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлаш;
- иқтисодий давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш;
- ижтимоий соҳани молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш;
- пул маблағларининг марказлаштирилган фондини шакллантириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат.

Бюджет даромадлари – бир томонидан, давлат, иккинчи томондан, хўжалик субъектлари ва фуқаролар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардир. Шу билан биргаликда бюджет даромадлари – давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳисобига ўтадиган пул маблағларидир.

Умуман олганда, “бюджет” инглизча сўз бўлиб, давлат, корхона, муассаса ва айрим шахсларнинг маълум муддатга олдиндан белгилаб қўйиладиган кирим-чиқим, яъни даромад ва харажатлари мажмуини ифодалайди.

Бюджет қайси даражада эканлигидан қатъий назар, унга уч жиҳатдан ёндашиш мумкин:

- иқтисодий категория сифатида;
- моддий маънода;
- ҳуқуқий категория сифатида.

Иқтисодий категория сифатида бюджет-турли бюджет фондларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш пайтида юзага келувчи ва рўёбга чиқувчи иқтисодий муносабатлардир.

Моддий маънода бюджет тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборат. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш, деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.

Ҳуқуқий категория сифатида бюджет тегишли ҳудуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, улардан фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тасдиқланган асосий молиявий режа, юридик меъёрлардан иборат.

Бозор муносабатлари шароитида молия тизимининг самарали фаолият юритишида давлат бюджети муҳим ҳисобланиб, унга иқтисодчи олимлар томонидан шундай таъриф берилган: «Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлиши давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади. Давлат бюджети – давлат харажатлари ва уларни молиявий қоплаш маблағларининг йиллик режасидир».⁹

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида бюджет тизимига қуйидагича таъриф берилган:

«Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этиш тизими ва принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағларини олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди».

Бюджет тизимининг асосий тамойиллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бюджет таснифи тизими, ҳисобот – бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тизимининг ягоналиги;
- бюджет тизимининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тизимини мувофиқлиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- давлат бюджетининг баланслилиги;
- давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;

⁹ Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: Молия, 2002. 324-бет.

- давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган, тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш;
- барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллигини.

Республика бюджет тизимининг яхлитлиги ва бир бутунлиги қонун томонидан мустаҳкамлаб қўйилган. Унда қуйи бюджетларнинг бири юқори бўғинга кириши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг етакчи бўғини – республика бюджетидир. Республика бюджети давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Миллий даромадни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни умумреспублика бюджети орқали тартибга солинади.

Ташкилотларни бюджетдан молиялаш, харажатлар устидан назорат юритиш тартибини белгилашда кўпинча юзага келган мулкчилик ҳуқуқларини нотўғри тарзда талқин қилиш ҳолларини «бюджет ташкилоти»га аниқ таъриф берилганлиги туфайли бартараф қилиш мумкин бўлди. Қонунларда «Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими» тушунчаси ва унинг тузилиши тамойиллари таърифланмаган. Шу сабабли, мазкур тамойилларни мамлакат ривожланишининг шарт-шароитлари ва халқаро стандартларга мувофиқ равишда таърифлаш зарурияти юзага келган эди.

Бюджет асосий молиявий режа сифатида қуйидаги белгилар билан тавсифланади: бюджет универсал молиявий режа сифатида тегишли ҳудуд иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўла қамраб олади. Бюджет бошқа турдаги молиявий режаларга нисбатан мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда бизнинг фикримизча, бюджетга куйидагича таъриф бериш мумкин:

Бюджет-бозор муносабатлари шароитида турли даражадаги марказлаштирилган пул маблағлари фондини вужудга келтириш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишга оид асосий молиявий режа бўлиб, у тегишли давлат ёки маҳаллий идора томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда тасдиқланадиган юридик ҳужжат ҳисобланади.

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикасида ҳар йили ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда 1 январдан 31 декабргача амал қилади. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 5 майдаги Қонуни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти»га мувофиқ (Х боб, 91-93-моддалар) Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилади. Олий Мажлис томонидан давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар умумий суммаси тасдиқланганидан сўнг «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тўғрисида»ги Қонун овозга қўйилади.

Бюджетларни шакллантиришнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тўғрисида»ги Қонунларда ва бошқа Қонуний ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Юқоридаги қонунлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, маҳаллий давлат идоралари ўз бюджетини шакллантириш ва уни ижро этишга оид меъёрий ҳужжатларни қабул қиладилар.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш маълум миқдорда молиявий маблағлар сарфлашни тақозо этиши билан доимо давлатимизнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, фан ва маданият соҳасини қўллаб-

кувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт»¹⁰, деб қаралди ва имкониятлар топилиши учун қатъий саъй ҳаракатлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлашга сарфланаётган харажатларнинг давлат бюджети харажатлари таркибидаги салмоғи ва таълим тизимига сарфланаётган маблағлар улуши мунтазам ортиб бормоқда. Жумладан, 2000 йилда таълим тизимига ажратилган маблағлар давлат бюджети харажатлари таркибида 23,2 фоизни, 2010 йилда эса 33,3 фоизини ташкил этди.

Умуман, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади¹¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»¹²ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.¹³

Ҳукумат қарорига мувофиқ, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга

¹⁰ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 143-бет.

¹¹ «Оқсак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. 184-бет.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сонли қарори. <http://www.press-service.uz>.

¹³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011, 24-сон, 248-модда.

ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Маблағларни жамлаш ва дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида ўтган йили махсус жамғарма ташкил этилди ва унинг маблағлари ҳисобидан 2011 йилда бир йилга мўлжалланган 39 миллиард сўмдан ортиқ тадбирлар молиялаштирилди.¹⁴

Республикамиз таълим тизимига кирувчи олий таълимда ҳозирги кунда жами 59 олий ўқув юртлари, шу жумладан, хорижий олий ўқув юртларининг олтита филиали фаолият кўрсатиб келмоқда. Олий таълимнинг 165 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 447 та магистратура мутахассислиги бўйича давлат таълим стандартлари жорий этилиб, халқаро стандартлар асосида юксак малакали кадрлар тайёрланмоқда¹⁵.

Илмий ишда республикамиз таълим тизимига кирувчи олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари шаклланишига кўра туркумланди (1.1.1-расм).

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш олий таълим муассасалари моддий-техник ва ахборот базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнига сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиётлар, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, профессор-ўқитувчилар моддий манфаатдорлигини таъминлаш асосида малакали мутахассислар тайёрлаш имкони кенгайишига эришилади.

¹⁴ Каримов И.А. «2012 йил ватанимиз тараккиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади». – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. 9-бет.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари.




1.1.1-расм. Олий таълим тизимида таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларига кўра туркумланиши¹⁶

¹⁶ Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т., ТДИУ. 2012, 10-бет.

Бюджет ташкилотлари томонидан маблағларининг сарфланиши, жумладан (янги тартибга кўра), бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси, унинг ҳудудий органлари ва жойлардаги молия органлари томонидан қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган ваколатларга мувофиқ амалга оширилади.

Таҳлилларга кўра, бюджет ташкилотларида маблағлар сарфланиши жараёнида бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кузатилмоқда.

Мазкур камчиликлар содир этилишига асосан тизимда мутахассис кадрларнинг етишмаслиги, уларнинг малакаси талаб даражасида эмаслиги, пировард натижада барча манбалардан ажратилган маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланмаслигига сабаб бўлмоқда (1.1.2-расм).



1.1.2-расм. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида ўтказилган тафтиш ва текширишлар якунлари таҳлили¹⁷

Давлат бюджети харажатларида асосий эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашга, яъни бюджет харажатларининг ижтимоий

¹⁷ Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т., ТДИУ. 2012, 11-бет.

йўналтирилганлигини кучайтиришга қаратилган. 2009 йилда мазкур харажатлар 56,5 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2010 йилда 59,1 фоиз бўлиши режалаштирилмоқда. Ижтимоий соҳа ва иқтисодиётга инвестицияларни кўпайтириш ҳисобига Давлат мақсадли дастурларини тўлиқ амалга оширишни таъминлаш белгиланган.¹⁸

Республикамиз Президенти томонидан таълим тизимига ажратилаётган маблағлардан янада оқилона фойдаланиш борасида қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, «Олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлашдан тушган маблағлари, улардан моддий-техника базани мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини ўқитишнинг янги воситалари билан таъминлаш, олий таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли фойдаланилган тақдирда, истисно тариқасида, солиқлардан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалардан 2015 йил 1 январгача озод қилинсин»¹⁹ деб белгиланди.

2006 йил 1 январдан амалга киритилган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-моддаси «Давлат бюджетининг ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби»-деб номланиб, унда:«...Давлат бюджетининг ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ғазначилик томонидан, шунингдек давлат солиқ ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобрақамларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади. Давлат бюджетининг ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисоб рақамларининг ягона режаси

¹⁸ <http://www.parliament.gov.uz>

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади - деб кўрсатилган.²⁰

Бюджет ташкилотларини молиялаштиришда моддий меъёр-моддий неъматларнинг табиий кўриниши, молиявий меъёрлар-моддий меъёрларнинг пулдаги ифодаси, бюджет меъёри-бюджет маблағига бўлган эҳтиёжни ифодалайди. 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 38-моддаси «Давлат бюджети ижросини назорат қилиш» деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ижросини назорат қилинишини амалга ошириш чоғида: «...бюджет маблағлари олувчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш қилади ва текширувдан ўтказди.» - деб таъкидланган.²¹

Бу эса, ўз навбатида, таълим тизимида ҳам тааллуқли бўлиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларида бюджет маблағлари, унинг жами даромадлари ва харажатларининг молиявий назорати олиб борилишини тақозо қилади (1.1.1-жадвал).

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида». -Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 453-модда.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Бюджет тизими тўғрисида».-Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 225-модда.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий
таълим муассасаларининг даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот²²**

млн. сўм

Кўрсаткичлар/ /йиллар	2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил	
	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат
Жами даромадлар	92567,7	-	115278,4	-	155988,2	-	257082,3	-	353989,5	-	407917,4	-
шу жумладан:		-		-		-		-		-		-
давлат бюджетидан	32424,5	-	41049,9	-	56088,3	-	84344,8	-	117230,5	-	124337,0	-
тўлов-контрактдан	53955,8	-	67179,9	-	91491,0	-	162775,7	-	224815,1	-	271142,0	-
тадбиркорлик фаолиятдан	6187,4	-	7048,6	-	8408,9	-	9961,8	-	11943,9	-	12445,0	-
шу жумладан:		-		-		-		-		-		-
пулли курслар	1554,3	-	2063,8	-	1432,6	-	2872,2	-	3524,0	-	2584,9	-
ижара	212,9	-	260,4	-	312,1	-	589,4	-	359,4	-	333,7	-
хизмат кўрсатиши	1357,4	-	1269,1	-	1028,8	-	1261,3	-	1417,2	-	2315,5	-
ҳомийлик		-		-	1333,4	-	1480,7	-	1654,6	-	2070,6	-
бошқалар	3062,8	-	3455,3	-	4302	-	3758,2	-	2673,1	-	5140,3	-
Жами харажатлар	80423,1	81329,5	97146,5	97027,1	135428,2	136336,0	211100,3	214849,0	299337,0	307406,4	385348,4	381809
шу жумладан:												
иш ҳақи	25069,4	25548	33639,4	34060,1	46989,3	48093,8	71823,6	74494,1	107424,4	109993	136183	138964
иш ҳақиға ажратмалар	7346,4	7587,2	7986,9	8052	10579,3	10945,3	16655,7	17409,7	24745,3	26118,4	33245	33945
стипендия тўловлари	22758,9	22838,5	32459,5	33143,5	53716	53665,5	89084,5	89676,6	116740,5	121730	165608,5	164182
IV-гуруҳ харажатлари	25248,4	25355,8	23060,7	21771,5	24143,6	23631,4	33536,5	33268,6	50426,8	49565,5	50311,9	44718

²² Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1.1.1-жадвалдан кўриниб турибдики, вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларининг жами ҳақиқий харажатлари 2011 йилда 381809,0 млн. сўмни ташкил этиб, 2006 йилга нисбатан 300479,5 млн. сўм ёки 4,7 баробар ортиқ бўлган. Шунга мос равишда жами даромадлари ҳам ошиб, 2011 йилда 407917,4 млн. сўмни ташкил этиб, 2006 йилга нисбатан 315349,7 млн. сўм ёки 4,4 баробарга кўпайган. Олий таълим муассасалари даромадининг аксарият қисмини давлат бюджети маблағлари (2011 йилда – 30,5%) ва тўлов-контрактдан тушган маблағлар (2011 йилда – 66,5%) ташкил этган бўлса; харажатларнинг асосий қисмини эса меҳнат ҳақи (2011 йилда –36,4%), ягона ижтимоий тўлови (2011 йилда – 8,9%) ва стипендия тўлови (2011 йилда – 43,0%) ташкил этади.

Таҳлиллар кўрсатишича, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида олиб борилган молиявий назорат ва амалга оширилган таҳлиллар натижасида айрим молиявий интизом бузилишлари аниқланган.

Молиявий назорат жараёнида аниқланаётган молиявий интизом бузилишларининг олдини олиш субъектлар ички назорати тизими фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Хусусан, ўтказилган тафтиш ва текширишлар сони 2011 йилда 2008 йилга нисбатан 58,7%га камайган бўлишига қарамасдан, аниқланган камомад, ноқонуний харажат ва бошқа молиявий интизом бузилишлари миқдори 2008 йилда 380,3 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу рақам 2011 йилда 1144,7 млн. сўмга етган ёки уч бараварга кўпайганлиги молиявий назоратнинг аҳамиятини янада оширади.

Молиявий назоратнинг моҳиятини тушуниш учун унинг ҳар қандай иқтисодий тузум ва ишлаб чиқариш муносабатларининг барча турларига хос бўлган умумий хусусиятларини аниқлаб олиш лозим. Молиявий назорат вазифасининг мавжудлиги ўз-ўзидан молиявий назорат мавжудлигини англатмайди, у тегишли давлат органларининг муҳим ташкил этувчи фаолиятини тақозо этади.

Молиявий назорат кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида молиявий муносабатларнинг бир кўринишидир.

Молиявий назорат давлат бошқарув органлари фаолиятининг турларидан бири сифатида намоён бўлади. Тақсимлаш муносабатлари орқали молиявий назорат ишлаб чиқариш, айирбошлаш, муомала ва истеъмол муносабатларига кириб боради.

Давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмларини текшириш вазифаси фақат бюджет-молия назоратига хос бўлиб, у молиявий назоратнинг моҳиятини тўлиқ ўзида акс эттиради. Корхоналар, компаниялар молиявий-хўжалик (тадбиркорлик ёки тижорат) фаолияти ва молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини текшириш, юқори раҳбариятнинг йўриқномаларининг бажарилишини текшириш ёки мутаносибликни аудит қилиш, мавзу бўйича тематик текшириш ёки операцион аудит сингари вазифалар молиявий назоратнинг барча уч турининг вазифаси ҳисобланиб, молиявий назорат барчасига ҳам хосдир.

Бюджет ташкилотларини молиявий назорат қилишнинг кенг тарқалган шакли одатда бюджет-молиявий назорати ҳисобланиб, у бюджет-молия соҳасида ўтказилади. Бу назоратнинг предмети давлат молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнлари ҳисобланади. Бу жараёнларни назорат қилиш давлат маблағларининг (биринчи навбатда бюджет маблағларининг) қонунийлигини ва самаралилигини назорат қилиш; пул айланишини назорат қилиш; давлат бюджетининг барча даражалари ва давлат бюджет фондларининг бюджетларини бажарилишини назорат қилиш; кредит ресурсларидан фойдаланиш, давлат ички ва ташқи қарзлари ҳамда давлат заҳиралари ҳолатини назорат қилиш; давлат органлари, корхона ва ташкилотларга берилган давлат мулкани сақланиши ва сарфланишини назорат қилишни ўз ичига олади.

1.2. Бюджет ташкилотларида молиявий назоратнинг ҳозирги ҳолатини таҳлили ва уни ривожлантиришнинг йўналишлари

Бюджет маблағларидан фойдаланишда ҳуқуқий тартибларга риоя этилишини кузатиб бориш, амалга оширилаётган молиявий харажатларнинг иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлиги, бу харажатлар давлат олдида турган вазифаларга мувофиқ келишининг молиявий назоратини олиб боришда иқтисодий шароитлардан келиб чиқилмоқда.

Бюджет ижросининг назорати ҳамда бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, молия ҳамда бюджет интизомининг таъминланиши ва унга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш борасида ҳукуматимиз томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мустақил давлатчилигимизнинг иқтисодий тараққиётини таъминлаш мақсадида қўйилган қадамлардан бири – бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш, бюджетлар ижроси назорати тартибини белгиловчи «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда ҳам Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари бюджет ижроси назорат қилиниши чоғида бир қатор тадбирларни амалга оширишлари белгиланган.

Бюджет интизомига риоя қилиниши, бюджет маблағларининг белгиланган мақсадда сарфланиши устидан қаттиқ назоратни таъминлашга доир ишларни самарали ташкил этиш мақсадида, 1999 йил 11 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида» Қарори қабул қилинди.²³

Ҳозирги шароитда бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ҳам бюджетдан ажратиладиган харажатларни маблағ билан таъминлаш жараёнида, ҳам бюджет ташкилоти тегишли харажатларни қилгандан кейин амалга оширилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг белгиланган нормативлари ва лимитлари,

²³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида.- Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 21-сон, 172-модда.

давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги тавсифномаси, тегишли бюджетларнинг тасдиқлаган параметрлари, тасдиқланган штат жадваллари ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бюджет ташкилотлари харажатлари асосида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан маблағларнинг сарфланишини, жумладан (янги тартибга кўра), бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси, унинг ҳудудий органлари ва жойлардаги молия органлари томонидан қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларга мувофиқ амалга оширилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фармонга кўра ва қонунда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши назорати юзасидан бир қатор назорат, тафтиш ва текширишлар амалга оширилган. Уларнинг натижаси бюджет маблағлари сарфланиши жараёнида жойларда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатди.

Хусусан, Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари томонидан ўтказилган текширишлар ва тафтишлар якуни ҳақида тузилган ҳисоботлар таҳлили қўйидагича хулосаларни берди:

Мазкур камчиликларнинг содир этилишида асосан тизимда мутахассис кадрларнинг етишмаслиги ва малакасининг юқори эмаслиги оқибатида давлат бюджети маблағларининг мақсадга мувофиқ ишлатилмаганлиги сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси ОТВ тасарруфидаги ОТМларида бюджет ва бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки (1.2.2-жадвал), таълим муассасалари харажатлари моддаларининг хусусиятларини хилма-хиллиги, яъни режадаги касса ва ҳақиқий харажатларнинг мавжудлиги уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни тартибга солишни талаб қилади.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, бюджет тизимидаги айрим муассасаларда молиявий интизомни бузиш ва бюджет маблағларини ортиқча сарфлаш ҳолатлари мавжудлиги аниқланган. Бундай ҳолатлар, асосан иш ҳақи тўловларлари билан боғлиқ, коммунал тўловлар бўйича, капитал ва жорий таъмирлаш харажатлари учун ортиқча тўлов ва ноқонуний харажатларни амалга ошириш орқали юзага келмоқда.

Маълумотлар таҳлилидан кўринадики, бюджетдан маблағ билан таъминланувчи бир қатор соҳаларда ҳанузгача бюджет маблағларини тежаб-тергаб, мақсадли сарфлаш юзасидан етарли тадбирлар белгиланмаган, маблағлар иқтисодий тараққиётга хизмат қилиши таъминланмаяпти. Бунга эскича фикрлаш, боқимандачилик кайфиятидан ҳамон халос бўлмаслик сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар тўғрисида маълумот²⁴

млн. сўм

Кўрсаткичлар/ /йиллар	2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил	
	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат
Жами харажатлар	32424,5	32461,7	41049,9	40993,3	56088,3	56691,7	84344,8	85655,6	117230,5	119142,4	123465,9	124076,4
шу жумладан:												
иш ҳақи	12567,2	12712,5	17362,3	17573,2	24492,3	24881,8	38291,2	39423,2	55911,7	56946,4	50102,1	50471,0
иш ҳақиға ажратмалар	3671,6	3718,6	4069,9	4109,1	5406,5	5543,9	8740,8	9100,4	12764,5	13478,0	12026,6	12081,2
стипендия тўловлари	9469,1	9467,1	12989,9	13016,3	18582,1	18809,2	28848,9	28786,7	39581,0	39761,8	53612,3	53634,3
коммунал тўловлар	2508,3	2561,7	2516,1	2486,7	2743,7	2823,1	3134,8	3234,9	3426,2	3511,8	1706,7	1939,7
жорий таъмирлаш	280,9	288,4	288,9	293,7	333,4	359,3	360,5	357,5	345,1	349,6	421,9	430,6
капитал таъмирлаш	1339,1	1298,4	1047,1	1035,9	1310	1333,9	1420,2	1408	2143,4	1977,9	1958,6	1895,4
асосий воситалар ва жиҳозлар харид қилиш	1347,7	1272,5	1192,1	1266	1772	1734,2	2176,1	2216,3	2097,9	2155,9	1966,0	1955,3
бошқа харажатлар	1240,6	1142,5	1583,6	1212,4	1448,3	1206,3	1372,3	1128,6	960,7	961	1671,7	1668,9

²⁴ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бюджет муассасаси ва ташкилотларида ҳанузгача маблағларни мақсадсиз чиқим қилиш, асосланмаган кўрсаткичлар асосида капитал қўйилмалар учун катта миқдорда бюджет маблағларини сарфлаш, ўзлаштириш ҳолатлари кўп учрамоқда. Бюджет харажатлари самарадорлигини кескин ошириш учун бу борада, тармоқда кенг камровли тадбирлар белгилаш ва улар барча тармоқларда сўзсиз бажарилишини таъминлаш талаб этилади.

Ҳужжатли текширувлар бевосита бюджет ташкилотининг ўзида ўтказилади. Бунда харажатлар сметаси, бухгалтерия ва статистик ҳисоботлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар, бошқа молиявий ҳужжатлар ўрганилади. Назорат органлари солиққа тортиш объектларини яшириш ёки воситаларни ноқонуний ишлатиш ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатларни, агар уларни сақлаш кафолатланмаган бўлса, яъни алмаштириб қўйилиши ёки йўқ қилиниши мумкин бўлса, тортиб олиш ҳуқуқига эга.

Камерал текширувларнинг хусусияти шундаки, улар текширилаётган объектга бевосита борилмаган ҳолда ўтказилади. Бундай текширувлар назорат қилувчи орган жойлашган жойда бюджет ташкилотлари тақдим этган ҳужжатлар, шунингдек ўз қўли остида бўлган маълумотлар асосида ўтказилади.

Бюджет ташкилотларида молиявий назорат ўтказиш методлари 1.2.3-жадвалда келтирилган.

Кўрикдан ўтказиш. Текширувчининг корхона ва ташкилотларнинг бевосита ўзига бориб, уларнинг фаолиятининг алоҳида жиҳатларини шахсан ўрганиб чиқиши (кўздан кечириши)га асосланган текширув. Бу ҳолда фақат ҳужжатларни ўрганиш эмас, балки кузатиш, ходимлар билан сўров суҳбатлар ўтказиш, назорат ўлчовлари қилиш, хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилаётган биноларни кўриб ўрганиб чиқиш ва бошқалар амалга оширилади.

Молиявий назорат ўтказиш методлари

Молиявий назорат ўтказиш методлари	Мазмуни
Текширувлар	Ҳисобот ҳужжатлари ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида молиявий фаолиятнинг айрим масалалари кўриб чиқилади ва аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш учун чоралар белгиланади
Кўриқдан ўтказиш	Молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг (текширувга қараганда) кенг доирасини қамраб олади
Назорат	Назорат қилиувчи органлар томонидан қандайдир молиявий назорат турига лизенция олган иқтисодий объектларда амалга оширилади ва улар томонидан ўрнатилган қоида ва меъёрларга амал қилиш текширувидан иборат
Молиявий назорат таҳлили	Даврий ёки йиллик молиявий ҳисоботни молиявий фаолият натижаларини умумий баҳолаш, молиявий ҳолатни баҳолаш ва ички хўжалик заҳираларини излаб топиш мақсадида батафсил ўрганишдан иборат
Экспертиза	Муассасанинг муаммоларини касбий фикрларни шакллантирган ҳолда масофавий тадқиқ этиш
Тафтиш	Молиявий назоратнинг энг чуқур ва кенг қамровли методи. Бу иқтисодий субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини унинг қонунийлиги, тўғрилиги, мақсадга мувофиқлиги, самарадорлигини текшириш мақсадида тўлиқ кўриб чиқишдир.

Иқтисодий таҳлил – молиявий ҳолат таҳлили. У хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятининг натижаларини баҳолаш, унинг капиталдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашдан иборат. Иқтисодий таҳлил бюджет тизимида назорат олиб бориш вақтида муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бюджет тизими ижтимоий-иқтисодий жараёнларни мувофиқлаштиришнинг муҳим қуролларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун бюджетни жамият ҳаётининг айрим томонларига таъсирини таҳлил қилиш муҳимдир. Бундай текширувнинг натижалари истиқболли давлат стратегияларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Тафтиш. Молиявий назоратнинг энг кўп тарқалган тури ҳисобланади.

Тафтиш – бу бюджет ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятининг ўзаро боғлиқ бўлган текширувлар мажмуидир. Молия

органларининг фаолияти ҳам тафтиш текшируви билан қамраб олинishi мумкин. Тафтиш бюджетдан молиялаштирилган давлат, ҳукумат органлари ва унинг алоҳида бўлинмаларида, бюджет фондларда; давлат иштирок этган корхона ва ташкилотларда, барча мулкый шаклдаги ташкилотларда ўтказилиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган тафтиш ва текширишларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада белгиланган молиявий назоратнинг тавсия қилинган: рўйхатга олиш, назорат ўлчови, лаборатория таҳлили, арифметик текшириш, муқобил текшириш, қиёслаш, ҳисоботларни миқдорий текшириш каби усуллари етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Илмий адабиёт ва илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари таҳлили асосида, тадқиқот ишида халқаро ҳисоблаш усулини қўллаш шароитида фойдаланилиши лозим бўлган молиявий назорат усулларининг таснифи тавсия этилган (1.2.3-расм).

Молиявий назоратнинг қамровига кўра:	Молиявий назоратни ўтказиш кетма-кетлигига кўра:	Молиявий назоратни ўтказиш даврийлигига кўра:	Молиявий назоратни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларига кўра:
Комплекс	Дастлабки	Йиллик	Амалдаги қонунчилик асосида режага биноан
Тематик	Жорий	Даврий	Ички меъёрий ҳужжатлар асосида
Танланма	Якуний	Чораклик	Амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида

1.2.3-расм. Молиявий назоратнинг даврийлиги бўйича қўлланиладиган усулларни туркумлаш²⁵

²⁵ Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т., ТДИУ. 2012, 11-бет.

Тафтиш натижалари бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади, бюджет соҳасидаги қоидабузарликлар юзасидан профилактика ишлари олиб боришга кўмаклашади.

Текширилаётган объект фаолиятини қамраб олиш даражасига кўра тафтишни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

Комплекс (тўлиқ) тафтиш. Бу тафтиш текширувларининг энг кўп қўлланадиган тури. У тафтиш ўтказилаётган бюджет ташкилоти фаолиятининг барча жиҳатлари: молиявий-хўжалик муомалалари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, бюджет ва бюджет фондлар билан ҳисоб-китоблар, бухгалтерия ҳисобининг ҳолати ва бошқаларни қамраб олади. Фаолиятнинг айрим жиҳатлари (томонлари, вазиятлари)ни текшириш учун соҳа мутахассислари таклиф этилиши ҳам мумкин.

Тематик тафтиш. Бунда бюджет ташкилотлари фаолиятининг маълум участкаси (бўлими) текширилади ҳолос. Бундай тафтиш объектнинг иши ҳақида тўлиқ тушунча бера олмайди, аммо қайсидир муаммо бўйича чуқур таҳлил ўтказишга имкон яратади. Агар тематик тафтиш бир нечта бюджет ташкилотининг бир турли участкаларида ўтказилса, аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни таққослаш орқали соҳадаги турдош (бир хил) камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш учун йўриқномалар ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Текширув жараёнида аниқланган барча қоидабузарликлар тафтиш далолатномаларида акс эттирилади.

Тафтиш далолатномаси расмий ҳужжат ҳисобланади ва унга асосланган ҳолда бюджет ташкилотининг фаолияти ҳақида хулосалар қилинади ҳамда тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади. Тафтиш далолатномасини тузиш масъулияти тафтишчи ходимга юклатилади. Далолатномада қоидабузарлик фактлари тасвирланиши, улар амалга оширилган вақт кўрсатилиши, уларнинг қиймати аниқланиши тартиби ва натижаси кўрсатилиши, шунингдек, айбдор шахслар кўрсатилиши лозим.

Далолатномада тафтишчи ходимнинг шахсий хулоса ва тахминлари акс эттирилиши мумкин эмас. Шунингдек, тафтишчи ходимлар текширилаётган бюджет ташкилотининг бошқарувига аралашини солиш ёки интизомий жазо қўллаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Молиявий назорат бошқармаси томонидан 2008 йил мобайнида олий таълим муассасаларида амалга оширилган таҳлиллар натижасида бир қатор молиявий интизом бузилишлари аниқланган. Унга кўра, жами молиявий интизом бузилишларга нисбатан маблағларнинг банк орқали нотўғри ва мақсадсиз сарфланиши 42,3%ни, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича ортиқча тўлаш 8,5%ни, таъмирлаш ишлари бўйича пудратчиларга ортиқча тўланган маблағлар 6,3%ни, ижара тўловларининг белгиланган муддатларда ундирилмаган қисми 4,5%ни ва бошқа молиявий интизом бузилишлар 34,8%ни ташкил этган. Бунда, жами аниқланган молиявий интизом бузилишининг 96,5% ундирилиш лозим бўлган молиявий интизом бузилишлар бўлиб, ўрганишлар жараёнида ушбу маблағларнинг 88%и ўрнатилган тартибда олий таълим муассасалари ҳисобига ундирилган. Таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасаларида аниқланаётган молиявий тартиббузарликларни келиб чиқишининг асосий сабаби, мутасадди ходимлар томонидан амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинмаслиги оқибатида содир бўлган.

Юқорида қайд этилган молиявий интизом бузилишларини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан унинг тасарруфидаги таълим муассасаларида текширув ва таҳлиллар натижасида йўл қўйилаётган асосий молиявий интизом бузилишларнинг турлари, уларни бартараф этиш ва олдини олишни таъминлаш бўйича таълим муассасалари мутасадди ходимлари томонидан, фойдаланилиши лозим бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган ва улар амалиётда самарали қўлланилмоқда.

Биринчи боб бўйича хулоса

Ривожланган давлатлар тажрибалари кўрсатадики, давлат бюджети харажатлари назоратини олиб борадиган бошқарма марказий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари билан бирга эмас, балки мустақил бўлиши керак. Бу бошқарма Вазирлар Маҳкамаси қошида алоҳида департамент сифатида фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Ушбу департамент: вертикал тарзда ташкил қилиниши, маҳаллий ҳокимият органларига бўйсунмаслиги, фаолияти фақат Молия вазирлиги томонидан тартибга солиниб турилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида ҳам худди Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ва юқорида номлари келтирилган бошқа ривожланган давлатлардаги сингари Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг органлари давлат ҳисобига даромадлар белгиланган меъёрлар асосида тушиши бўйича текширишлар ўтказиши зарур. Ҳозирда Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари, асосан давлат бюджетининг харажатлар қисми бажарилиши бўйича тафтишлар ва текширишлар ўтказиш билан чекланмоқда. Шунинг назарда тутиш лозимки, давлат бюджети харажатлар қисмининг қай даражада даромадлар қисмининг бажарилиши билан ҳам белгиланади.

Идоравий молиявий назоратни иқтисодий тоифа сифатида, мустақил тизим сифатида ва бир вақтнинг ўзида кўп даражали бошқарув тизимини акс эттирувчи, бутун молиявий тизимни самарали фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида молиявий ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг қонунийлиги ва шакллантирилишини таъминловчи давлат молиявий назоратининг тизим остиси сифатида кўриб чиқиш кераклиги асослангандир. Идоравий молиявий назорат – бу давлат молиявий назоратининг бир қисми эканлиги, унинг (давлат молиявий назорати) таркибига шунингдек, идоралараро молиявий назорат ҳам кириши асосланган.

II Боб. Самарқанд вилояти Ғазначилик бошқармасида молиявий назоратни амалий масалалари

2.1. Молиявий назоратни давлат томонидан мувофиқлаштирилиши

Республикамизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали, аниқ фойдаланиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги ислохотларнинг туб моҳияти бюджет тизимини бошқаришни, турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳисобот ва назорат тартибини, бюджетдан маблағ билан таъминлаш жараёнини такомиллаштиришдан иборат. Бу борада шунингдек, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашни кенг татбиқ этиш, кенгайтириш ҳамда бюджет ва ўз маблағлари харажати самарадорлигини ошириш юзасидан назоратни таъминлаш тақазо этилади. Бу эса мазкур соҳада ҳам муаммолар борлигини билдиради:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллиги доирасини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

- бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизминини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Бундан ташқари, маблағ билан таъминлаш бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган,

бюджет харажатларининг чорақлар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган нормативлари асосида смета ва штатлар жадвалини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ишлаб чиқадиладар ва тасдиқлайдилар.

Бюджет ташкилотларининг харажатлари маблағ билан таъминлашда янги бюджет йилида ажратиш режасида дебиторлик қарзлар кредиторлик қарзлардан ортиқ суммага ва бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра, товар-моддий бойликларининг норматив ортиқ қолдиғи суммасига камайтирилади.

Ҳисобот чорагининг сўнги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг ҳисоб варақаларида қолган, тежаб қолинган (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва белгиланган тартибда сарфланади.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлари ва тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатларда иш ҳақининг ва бошқа тўловларнинг улуши ҳамда динамикаси таҳлил этилган (2.1.4- ва 2.1.5-жадваллар).

Таълим тизими муассасалари харажатлари таркибига иш ҳақи харажатларидан ташқари кундалик фаолиятни таъминлаш, моддий-техника базаси харажатлари ҳам киради.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохот таълим тизимида ҳам тубдан ислохотлар ўтказилишини талаб қилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий
таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар тўғрисида маълумот**

млн. сўм

Кўрсаткичлар/ /йиллар	2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил	
	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат
Жами харажатлар	4861,7	4861,7	5833,5	5833,5	7064,4	7064,4	5741,8	5614,0	13566,6	13578,4	19952,8	20215,4
шу жумладан:												
иш ҳақи	948,4	948,4	1721,2	1721,2	2073,6	2073,6	1493,5	1525,5	1849,5	1916,8	1993,5	1992,0
иш ҳақиға ажратмалар	322,2	322,2	380,8	380,8	472,1	472,1	315,6	357,9	424,5	443,2	215,1	220,4
стипендия тўловлари	0	0	0	0	0	0	17,2	4,4	5,7	6,2	40,6	41,1
коммунал тўловлар	95,1	95,1	102,2	102,2	106,2	106,2	126,4	100,3	147,6	143,4	184,2	172,9
жорий таъмирлаш	201,8	201,8	274,2	274,2	262,2	262,2	421,5	423,7	852,9	815,9	487,2	524,8
капитал таъмирлаш	1112,6	1112,6	1096,7	1096,7	1404,5	1404,5	857,6	967,9	1571,8	1526,9	6105,2	6100,0
асосий воситалар ва жиҳозлар харид қилиш	1083,5	1083,5	1120,9	1120,9	1362,3	1362,3	1082,3	1051,5	6965,1	6933,3	5743,5	5935,1
бошқа харажатлар	1098,1	1098,1	1137,5	1137,5	1383,5	1383,5	1427,7	1182,8	1749,5	1792,7	5183,5	5229,1

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий
таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар тўғрисида маълумот**

млн. сўм

Кўрсаткичлар/ /йиллар	2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил	
	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат	касса харажати	ҳақиқий харажат
Жами харажатлар	43136,9	44006,1	50263,1	50200,3	72275,5	72579,9	121013,7	123579,4	168539,9	174685,6	243800,1	244639,3
шу жумладан:												
иш ҳақи	11553,8	11887,1	14555,9	14765,7	20423,4	21138,4	32038,9	33545,4	49663,2	51129,5	84087,1	86514,3
иш ҳақиға ажратмалар	3352,6	3546,4	3536,2	3562,1	4700,7	4929,3	7599,3	7951,4	11556,3	12197,2	20744,6	21416,6
стипендия тўловлари	13289,8	13371,4	19469,6	20127,2	35133,9	34856,3	60218,4	60885,5	77153,8	81961,8	111955,5	110506,9
коммунал тўловлар	834,8	919,5	976,7	950,3	1267,5	1309,9	1544,2	1785,9	2067,5	2191,3	3910,5	3848,4
жорий таъмирлаш	990,3	1055,8	635,1	643,8	818,9	862,0	1055,5	1036,9	1365,7	1382,1	1371,4	1388,7
капитал таъмирлаш	3443,8	3477,1	3555,0	2409,0	2388,6	1936,6	1889,3	1825,9	5109,6	4350,1	3134,6	2989,1
асосий воситалар ва жиҳозлар ҳарид қилиш	3734,1	3956,4	2430,9	2598,5	2582,0	2561,8	9687,9	9589,7	4532,9	4347,4	1071,1	1153,3
бошқа харажатлар	5937,7	5792,4	5103,7	5143,7	4960,5	4985,6	6980,2	6958,7	17090,9	17126,2	17525,3	16822

Ислохотларнинг асосий мақсади таълим тизими фаолиятини тубдан яхшилаш, унинг фаолияти мазмунига монанд бўлишига эришишдир. Таълим Харажатларига олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, мактаблар ва бошқа муассасаларни сақлаш харажатлари киради. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида таълим муассасалари харажатларини аҳоли сонига қараб режалаштириш услуги қўлланилмоқда. Аммо таълим харажатларини режалаштиришда ўтган давр асос қилиб олиниши ва мавжуд муассасаларни сақлаш учун харажатларни режалаштириш бу усулнинг афзалликларини йўққа чиқармоқда. Фикримизча, харажатларни режалаштиришда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳудудларда нархларнинг шаклланишидаги фарқлар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Таълим муассасалари харажатларида иш ҳақи харажатлари салмоғи асосий ўрин тутди. Ҳозирги кунда барча бюджет муассасаларида бўлгани каби иш ҳақи ягона таъриф сеткасига асосан ва ходимларнинг малака даражаларига қараб белгиланади.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида маҳаллий бюджетлардан амалга оширилаётган бошқарув органлари харажатларининг жами харажатлардаги салмоғи камайиб борди. Бу бевосита бюджет харажатларини тежаш ва самарадорлигини ошириш ҳамда бошқарув аппаратини бозор шароитига мос қайта ташкил қилиш билан боғлиқдир. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги энг асосий тамойилларидан бири аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдир.

“Аҳолининг энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш эса ўз навбатида ислохотларни муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир”²⁶, - деб таъкидлайди Республикамиз Президенти И.А.Каримов.

Давлат бюджет томонидан амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш харажатларининг асосий қисми маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу харажатларнинг жами маҳаллий

²⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 120-бет.

бюджетлар томонидан амалга оширилаётган харажатлардаги салмоғи ошиб бормоқда.

Кўп болали оилаларга давлат нафақалари, кам таъминланган оилаларга моддий харажатлар тўлиқ маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисмида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун давлат томонидан ажратиладиган капитал қўйилмалар ҳажми ошишига олиб келмоқда. Давлат капитал қўйилмаларнинг маҳаллий бюджетлар жами харажатидаги ҳажми кейинги йилларда тез суръатларда ўсиб борди.

Ижтимоий, маданий тадбирларнинг асосий қисми республика, маҳаллий бюджетлардан молиялашган ҳозирги кунда маҳаллий бюджетларнинг даромадалар базаси мустаҳкам эмаслиги туфайли бюджет ташкилотларининг маблағларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қоплангани йўқ. Шу билан бирга бюджет муассасаларининг маблағ билан таъминланишини яхшилаш нафақат бюджетлар даромадаларини кўпайтириш билан, балки молиялаштирилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқдир. Бунда энг муҳими, давлатимиз миқёсида ҳам, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича ҳам иқтисодиётнинг молиявий мутаносиблиги мустаҳкамланади. Бюджет камомadini ўсиб кетишига йўл қўймаслик, бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш, ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишига эришиш ҳозирги даврдаги энг муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида нарх-наво эркинлашиши, пул қадрсизланиши ортиб бориши билан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида, биринчи даражали маҳсулотлар нархини чегаралаш мақсадида давлат маҳаллий бюджетлар орқали иқтисодиёт тармоқларига дотациялар бериб борди.

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети даромадлари динамикаси²⁷

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
	Улуши (%)	Улуши (%)	Улуши (%)	Улуши (%)	Улуши (%)
Даромадлар, мақсадли жамғармаларсиз - жами	100	100	100	100	100
ЯИМга нисбатан, %	27,0	23,2	22,5	21,8	21,9
Бевосита солиқлар	27,1	26,4	26,2	26,1	26
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	5,1	4,9	5,0	4,9	5,3
Ягона солиқ тўлови	4,2	4,6	4,9	4,9	5,1
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	14,5	12,7	12,2	11,7	11,3
Қатъий белгиланган солиқ	1,1	1,0	1,0	1,1	1,1
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфра - тузилмани ривожлантириш солиғи	2,2	3,2	3,1	3,5	3,2
Билвосита солиқлар	48,6	47,1	50,1	53,2	53,5
Қўшилган қиймат солиғи	28,4	28,6	28,5	29,9	32,3
Акциз солиғи	14,8	12,5	15,8	16,7	15,3
Божхона божи	3,3	3,6	3,1	3,7	3,3
Бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмоли учун солиқ	2,1	2,4	2,7	2,9	2,6
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	19,2	15,1	16,3	15,1	17,5
Мол-мулк солиғи	3,8	2,6	2,9	2,7	3,0
Ер солиғи	3,5	2,1	2,1	2,3	2,3
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	11,4	10,1	10,8	9,6	9,8
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,5	0,4	0,5	0,5	0,7
Давлат божи ва жарималар	1,6	1,7	1,4	1,7	1,6
Бошқа солиқлар ва йиғимлар	3,5	3,4	3,0	3,9	7,1

Ушбу нархлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун берилган маблағлар аҳолининг барча қатлами учун тааллуқли эди. Турли дотацияларнинг қўлланилиши ижтимоий муҳофаза йўналишида ишлатилаётган маблағлар сочилиб кетишига, уларнинг самараси паст бўлишига олиб келади.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети харажатлари, млрд. сўм ²⁸

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		2011 йил	
	сумма	улуши, %	сумма	улуши, %	сумма	улуши, %
<i>ЯИМ, млрд. сўм</i>	48 097		60 154			
Давлат бюджети харажатлари, млрд.сўм	10 761	100	13 733	100%	16991	100%
<i>ЯИМга нисбатан, %</i>	22,4		22,8			
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари - жами	5 901	54,8	8 113	59,1%	10112	59,5%
- маориф	3 326	30,9	4 635	33,8%	5890	34,6%
- соғлиқни сақлаш	1 256	11,7	1 704	12,4%	2217	13,0%
- маданият ва спорт	126	1,2	160	1,2%	194	1,1%
- фан	63	0,6	84	0,6%	111	0,6%
- ижтимоий таъминот	46	0,4	59	0,4%	74	0,4%
- оилаларга ижтимоий нафақалар	1 039	9,7	1 432	10,4%	1582	9,3%
Иқтисодиётга харажатлар	1 290	12,0	1 573	11,5%	1952	11,4%
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	829	7,7	825	6,0%	950	5,5%
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	273	2,5	352	2,6%	472	2,7%
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	84	0,8	119	0,9%	152	0,8%
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	41	0,4	54	0,4%	57	0,9%
Бошқа харажатлар	2 338	21,7	2 692	19,6%	3295	19,3%
<i>Давлат бюджети тақчиллиги (-), профицити (+)</i>	73		-616		812	
<i>ЯИМга нисбатан, %</i>	+0,2		-1,0		1	

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Кейинги йиллар мобайнида маҳаллий бюджетларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида иқтисодиёт соҳаларига дотациялар бериш камайиб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва нафақалар бериш харажатлари бериш эса ошиб борди. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар давлатнинг етакчи мавқеига эга бўлишини тақозо қилмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Президентимиз томонидан яратилган «Ўзбек модели»нинг ўзаги ҳисобланган ижтимоий ҳимоя тамойилини амалга ошириш, айниқса, бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш объектив зарур бўлиб турибди. Давлат бюджети харажатларидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60%га яқинини ташкил этиши давлатимизнинг иқтисодий сиёсатини ижтимоий соҳага қаратаётганлигининг ёрқин намунасидир. Бу эса, ўз навбатида бу маблағларнинг мақсадли йўналтирилаётганлигини, айниқса, бюджетдан ташқари маблағларни молиявий назорат қилишни ҳам талаб этади (5-илова).

Тадқиқот ишида молиявий назоратни услубий тартибга солишга амалий ёрдам сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган 4-гуруҳ харажатлари сарфини амалга ошириш бўйича намунавий тартиб-қоида ва тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этишга қабул қилинди.

2.2. Бюджет ташкилотларида ички назорат тизими самарадорлигини оширишнинг услубий жиҳатлари

Бошқарувнинг энг муҳим унсурларидан бири ички назорат ҳисобланади. Ички назорат самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни бажарилиши имкониятларини таъминлайди. Ички назоратнинг бу жиҳатлари бошқарув жараёнлари цикллари билан ажралмас боғлиқликда бўлади ва динамик равишда ўзаро ҳаракатда бўлади.

Ички назорат функцияларига одатда, тезкорлик, ҳимоявийлик, тартибга солувчилик, ахборот, алоқавий ва огоҳлантирувчилик функциялари киритилади. Ҳозирги замон иқтисодий шароитларида айниқса огоҳлантирувчилик функцияси жуда муҳимдир, чунки дастлабки (олдиндан) назорат қонун томонидан исталмайдиган ва рад этиладиган оғишлардан дарак беради, ташкилотни у ёки бу ҳаракатни амалга оширишнинг салбий оқибатларидан ҳимоя этади. Масалан, амалларни юритишга киритиш аввалидаги қонунийлик ва мақсадлилиқни баҳолаш меъёрий ҳужжатлар талаблари ва ташкилот фаолияти мақсадларига зид бўлган ҳаракатларнинг олдини олади.

Нazorat тизими муҳим бошқарув тоифа эканлигини тушуниш, у томонидан билдирилаётган муносабатлар фаолиятининг механизмини очиқ ташлаш учун, уни бунёд этувчи турли хусусиятларини аниқлаш учун уни турли белгиларга кўра таснифлаш зарур.

Ички назоратнинг муҳим таснифий жиҳати унинг шаклини танлаш билан боғлиқдир. Ички назорат шакли танлашни ташкилий тузилманинг мураккаблиги даражаси, ҳуқуқий шакли, фаолиятнинг турли кўламлари, назорат томонидан фаолиятнинг турли томонлари қамраб олинишининг мақсадга мувофиқлиги, ташкилот бошқарувининг назоратни ташкил этиш муносабатига боғлиқдир.

Ички назоратнинг ривожланган усулларида бири – ички аудитдир.

Ички назоратни ички аудит шаклида ташкил этиш йирик ва айрим ўрта ташкилотларга хос. Бу ташкилотлар учун қуйидагилар хос:

- мураккаблашган ташкилий тузилма;

- филиал, шуъба корхоналар кўплиги;
- фаолият турлари ва уларни бирлаштириш имкониятлари кўплиги;
- бошқарув органларининг барча даражадаги бошқарувчи фаолиятининг тўлиқ ва объектив мустақил баҳолай олишга интилиши.

Ички аудиторнинг жорий вазифалардан ташқари, иқтисодий диагностика вазифаларини бажариши, молиявий стратегияни ишлаб чиқиши, маркетинг тадқиқотларини олиб бориши, бошқарув масалаларида маслаҳат бериши мумкин.

Ички аудит бўлинмалари қаторига тафтиш комиссиялари ҳам киритилади. Уларнинг фаолияти амалдаги қонунчилик билан мувофиқлаштирилади. Молиявий назоратни тафтиш комиссиялари ижросида олиб бориш асосан акциядорлик жамиятлари, маъсулияти чекланган жамият ва ишлаб чиқариш бирлашмаларига хосдир.

Ички назоратни турлари бўйича таснифлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ички назоратнинг қуйидаги турлари маълум:

- тўлиқ автоматлаштирилган;
- тўлиқ автоматлаштирилмаган.

Тўлиқ автоматлаштирилган ички назорат қайд этиш, қайта ишлов бериш, ҳисоблашларнинг автоматик воситаларини қўллаш орқали амалга оширилади. Тўлиқ автоматлаштирилмаган ички назорат бевосита унинг субъектлари томонидан автоматик воситаларни қўлламаган ҳолда амалга оширилади.

Тадқиқот ишида таълим тизимидаги бюджет ташкилотлари фаолияти бўйича ўтказилган молиявий назорат ва мониторинг таҳлили натижасида молиявий интизом бузилишларга қуйидагича туркумлаштирилди:

- иш ҳақи, мукофот ва стипендиялар бўйича ортиқча тўловларга йўл қўйиш;
- харажатлар сметасига асоссиз киритилиб, ортиқча молиялаштирилган маблағлар;

- таъмирлаш ишлари бўйича пудратчиларга ортиқча тўланган маблағлар;
- штат жадвалига асоссиз киритилиб, ортиқча тўланган маблағлар;
- вақтинчалик бўш турган бино ва жиҳозларни ижарага беришдан ундирилмаган маблағлар;
- бошқа молиявий интизом бузилишлари.

Илмий ишда субъектлар умумий фаолиятида қатнашиш даражасига кўра ички назорат субъектлари таснифланди:

I даражали ички назорат субъектлари – улар ташкилотда назоратни бевосита ёки билвосита (мустақил экспертлар, ташқи аудиторлар ёрдамида) амалга оширувчилар (мулкдорлар, қатнашчилар).

II даражали ички назорат субъектлари – аслида мажбуриятлари қаторида назорат функциялари мавжуд бўлмаган, аммо ишлба чиқариш зарурияти туфайли назорат вазифаларини бажарувчи субъектлардир. (масалан, жиҳознинг ишлаш сифатини назорат қилувчи ходим).


III даражали ички назорат субъектлари – назорат функцияларини бевосита ўзларига бириктирилган хизмат вазифаларини амалга ошириш учун бажаради (булар: режалаштириш бўлимлари, кадрлар бўлими ходимлари ва бошқалар).

IV даражали ички назорат субъектлари – уларнинг мажбуриятларини назорат қилиш билан бирга бошқа функцияларни бажариш керак бўлган субъектлар (маъмурий-бошқарув ходимлари, бухгалтерия ҳисоби бўлими ходимлари, тижорат ва жисмоний хавфсизлик хизматлари ва бошқалар).

V даражали ички назорат субъектлари – фақат назоратни амалга оширувчи субъектлар (ички аудит бўлими ходимлари, тафтиш комиссияси аъзолари ва техник назорат бўлимлари ходимлари).

Ушбу таснифдан келиб чиқиб, илмий ишда молиявий назорат тизими билан бухгалтерия хизматининг янгича таркибий тузилмаси таклиф қилинди.

Натижада, янги тузилмага мувофиқ молия бошқармаси таркибига мутаносиб равишда тўртта бўлимга молия, молиявий назорат ва ички аудит, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва услубият, иқтисодий таҳлил ва йиғма ҳисобот, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоблашишлар каби кичик бўлимлар киритилиши мақсадга мувофиқлиги асосланди (2.2.4-расм).



2.2.4-расм. Олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида марказлашган бухгалтерия хизматининг таклиф этилаётган таркибий тузилмаси ²⁹

Ички назорат тизимини ташкил этиш қуйидаги омиллар таъсирига боғлиқдир:

²⁹ Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т., ТДИУ. 2012, 15-бет.

- бошқарувнинг ички назоратга муносабати;
- ташкилот фаолият олиб боришининг ташқи шароитлари, унинг хажмлари, ташкилий тузилмаси, фаолият кўламлари ва турлари;
- унинг махсулаштирилган ёки шўба корхоналари жойлашувининг минтакавий бир турли эмаслиги ва сони;
- стратегик кўрсатмалари, мақсад ва вазифалари;
- фаолиятни механизациялаштирилганлиги ва компьютерлаштирилганлиги даражаси;
- ресурс таъминоти;
- кадрлар таркибининг омилдорлиги.

Самарали фаолият кўрсатувчи ички назорат тизимини яратиш мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Унинг қуйидаги босқичлари мавжуд:

1. Критик таҳлил ва хўжалик юритишнинг аввалги шароитларида ташкилотнинг фаолият олиб бориши мақсадлари учун аниқланган шароитлар, илгари қабул қилинган ҳаракатлар йўналиши, фаолият турларининг стратегияси ва тактикасини ташкилий тузилмаси, шунингдек унинг имкониятлари билан таққослаш.

2. Ташкилотнинг янги хўжалик юритишнинг кириб келган шароитларига хос бўлган ходим концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳужжатли асослаш. Корхона умуман қандай бўлади, унинг мақсадлари нимадан иборат бўлади, унинг имкониятлари қандай бўлади, қайси соҳаларда рақобат устунликларга эга бўла олади, бозорда қандай ўрин тутмоқчи ва ҳ.к.)

Молиявий, ишлаб чиқариш - технологик, инновацион, таъминот, сотиш, инвестицион, ҳисоб ва кадрлар сиёсати ҳақидаги қоида ва низомлар сифати ўрнатилаётган концепция талабларига хос бўлишини режалаштириш ҳам аҳамиятга эга.

Бундай қоида ва низомлар олиб бориладиган ҳисоб сиёсатининг ҳар бир элементи чуқур таҳлили ва мавжуд имкониятлар ичидан ташкилот учун энг мос келадиганини танлаш асосида қурилиши лозим.

Ташкилот сиёсатини унинг молиявий-хўжалик фаолиятининг турли соҳаларида ҳужжатли мустаҳкамланиши, унинг фаолият олиб боришининг барча жиҳатларини дастлабки, жорий ва якуний назоратини амалга оширишга имкон яратади.

3. Бошқаришнинг мавжуд тузилмаси самарадорлигини таҳлил қилиш, уни тўғрилаш.

Ташкилотнинг ташкилий тузилмаси ҳақида ишлаб чиқилган қоида ва низомларни сўнгги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда янгилаб ва тартибга солиб бориш зарур. Бу қоида ва низомларда барча ташкилий бўғинларининг маъмурий, функционал, методик қарамлиги, уларнинг фаолияти, йўналишлари, улар бажарадиган функциялар тасвирланиши; уларнинг ўзаро алоқалари регламенти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрнатилиши; бу бўғинлар бўйича иш ва хизматлар, ресурслар, функциялар тақсимланиши кўрсатилиши керак.

Турли тузилмавий бўлинмалар ҳақида тартиб-қоида ва низомлар, уларнинг ходимлари меҳнатини ташкил этиш режаларига ҳам шундай талаблар қўйилади.

Ҳужжатлаштириш ва ҳужжат айланмаси режаси, штатлар жадвали, ҳар бир тузилмавий бирликнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва масъулиятлари кўрсатилган мансаб йўриқномаларини ишлаб чиқиш зарур. Бундай ёндашувсиз ташкилотнинг ички назорат тизими барча бўғинларининг фаолият олиб боришини мувофиқлаштириш мумкин бўлмай қолади.

Молиявий ва хўжалик муомалаларининг расмий-намунавий амалларини ишлаб чиқиш.

Бу ходимларнинг молиявий-хўжалик даражасини баҳолаш, бошқарув қарорлари қабул қилиш бўйича ўзаро алоқаларини тартибга солишга ёрдам беради.

4. Ички аудит бўлимини ташкил этиш (ёки бошқа ихтисослашган назорат бўлинмаси).

Асосий воситаларнинг ички назоратини асосий мақсади, зарур асосий воситаларни сотиб олиш, ҳисоб юритиш, асосий воситаларни ишлатиш, сақлаш, уларнинг ишончилиги, таъмирланиши ва ҳисобдан чиқарилишини назорат қилишни ҳам назарда тутди.

Асосий воситаларни ички назорат қилишнинг аҳамиятли йўналишлари қуйидагилардир:

- асосий воситалар ҳисоби бўйича муомалалар одатий мол етказиб бериш ва сотиш ҳисобларидан алоҳида ажратилган бўлиши керак;

- асосий воситаларга тегишли рухсатлар ва асосланган эҳтиёжларсиз буюртма қилинмаслиги керак;

- сотиб олинган асосий воситалар ўғирланиши, суистеъмол бўлиши, тасодифий ёки муддатидан аввал эскиришлардан ҳимояланган бўлиши керак;

- асосий воситалар тегишли тартибда ҳисобда акс эттирилиши шарт;

- тегишли рухсатсиз асосий воситани чиқариб юбориш мумкин эмас;

- амортизация ажратмалари ўрнатилган ҳисоб сиёсатига кўра ҳисобда акс этиши шарт.

Бюджет ташкилотларининг хусусиятларидан бири асосий воситаларга ойма-ой амортизация ҳисоблаб ёзилмайди, чунки уларда таннарх шакллантирилмайди, балки фақат смета харажатлари ижроси амалга оширилиши назорат қилинади, холос, шу сабабли, уларга белгиланган тартибда эскириш ҳисоблаб ёзилади.

Т.Эшназаровнинг фикрича: «Ҳисоблаб ёзиш усулидан фойдаланиш зарурати туфайли «эскириш» тушунчасининг тамойили ҳам ўзгариб, уни ғазна ижросининг ўзига хослиги нуқтаи назаридан бюджет ташкилотининг жорий харажатларига киритиш лозим... Бироқ таъкидлаш лозимки, эскиришни ҳисоблаб ёзишнинг амалдаги шартларига жавоб берувчи янгиланган нормаларни тайёрлаш, шунингдек, бюджет ташкилотлари

асосий воситаларининг эскириш нормаларини аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш зарур».³⁰

Асосий воситалар молиявий назоратининг ахборот манбалари бўлиб, дастлабки ва йиғма ҳужжатлар: шартномалар, асосий воситаларни ташкилотга қабул қилиш – ўтказиш актлари, ички хўжалик юк хатлари ва бошқалар ҳисобланади. Аналитик ҳисоб юритилишини тўғрилигини текшириш ялпи ва танланма бўлиши мумкин. Бундай ҳисоб ундан фойдаланишнинг бутун даври учун инвентар рақами белгиланган ҳар бир алоҳида объект бўйича ташкил этилади. Объект бўйича ҳисоб инвентар карточкалари ёки китобларида юритилади. Карточкалар ёки китоблар қандай юритилаётганлиги, шунингдек амортизация нормалари шифрларини қўллаш тўғрилиги ва барча сўров маълумотлари мавжудлигини текшириш зарурдир.

Асосий воситанинг ҳисоби, ҳисоботи ва ишлатилишини назорат қилиш чоғида қуйидагиларни аниқ ўрнатиш лозим:

- асосий воситалар мавжудлиги ва сақланганлигини назорат қилиш таъминланганлиги;

- воситалар асосий воситалар таркибига тўғри киритилганлиги, таснифга кўра тўғри гуруҳлаштирилганлиги, унинг мол-мулк солиғи тўлашдаги муҳимлигини ҳисобга олиш;

- ҳисобда асосий восита тўғри баҳоланганлиги;

- ҳисобда асосий воситалар келиб тушиши ва чиқиб кетиши тўғри акс этганлиги ва расмийлаштирилганлиги;

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида асосий воситаларининг мавжудлиги ва ҳаракатланиши ҳақида маълумотлар тўғри акс этганлиги;

- асосий воситалар сақланганлиги юзасидан чоралар кўрилганлиги.

Бунинг учун бюджет ташкилоти раҳбари буйруғи билан асосий воситалар сақланиши учун жавобгар шахслар тайинланганлигини аниқлаш

³⁰ Т. Эшназаров. Ҳазначилик тизими муносабатлари. Монография. - Т.: «ФАН» нашриёти, 2008. 202-бет.

зарур (тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартномалар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги).

- моддий жавобгар шахслар мансаби корхонанинг мансаб ва штатлари рўйхатига мос келиши;

- моддий бойликлар сақланиши учун шароитлар яратилганлиги (шкаф, сейф, қўриқланадиган бино ва бошқалар);

- бинонинг ёнғинга қарши сигнализация билан жиҳозланганлиги;

- муассаса худудидан моддий бойликларни ноқонуний чиқиб кетишга қарши чора-тадбирлар ўрнатилганлиги;

- инвентаризация ўтказилганлиги.

Ички аудитни ўтказиш учун тайинланган шахс инвентаризация қачон ва қандай ўтказилганлигини ҳамда унда қандай қоидабузарликлар аниқланганлиги ва улар қай даражада бартараф этилганлигини текширади. Агар инвентаризация сўнгги давр давомида ўтказилмаган бўлса, уни ўтказилишини ташкил этади. Бу кейинги текширув янада сифатлироқ ўтказилишига ёрдам беради.

Аудитор қуйидагиларни текшириши керак:

- асосий воситани устав капиталига бадал сифатида ўтказиш чоғидаги асосий (бошланғич қийматда, эскириши ва келишув нархида) ва техник хужжатлаштириш рўйхати;

- олди-сотди шартномаси (асосий воситалар объектларининг комплект ҳолда сотиб олиш вақтида инвентар карточкасида комплектга киритилган предметлар расшифровкаси бўлиши шарт);

- чет эл валютасида сотиб олинган асосий воситалар объектларининг бошланғич қийматини тўғри шакллантирилганлигини.

Профессор М.Остонакулов инвентаризация усулини, хусусан 19-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартини қўллашни таклиф қилган эдилар. Шунингдек, инвентаризацияда аниқланган қийматликларнинг ҳақиқатда мавжуди ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг тафовутларини тартибга солиш ҳақидаги таклифлар бюджет

ташкilotининг раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этилишини таъкидлагандилар.

Ортиқча чиққан асосий воситалар кирим қилинганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:³¹

Дебет: 010-013, 015-019 - «Асосий воситалар» субсчёти;

Кредит: 250- «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти.

Ортиқча чиққан материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари кирим қилинганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет: 060-069- «Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» субсчёти;

Кредит: 140- «Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти (Ҳазначиликка ўтиш шароитида: 293-«Тегишириш натижалари бўйича аниқланган материаллар ва моддий қийматликларнинг ортиқчалари бўйича келиб тушган суммалар» субсчёти) ёки

Кредит: 230 - «Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш» субсчёти (Ҳазначиликка ўтиш шароитида: 293-Тегишириш натижалари бўйича аниқланган материаллар ва моддий қийматликларнинг ортиқчалари бўйича келиб тушган суммалар» субсчёти).

Белгиланган меъёрлар доирасида материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг камомадлари ҳамда ташкилот ҳисобига олинган камомадлар ва нобудгарчиликлар ҳисобдан чиқарилганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет: 140 - «Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти (Ҳазначиликка ўтиш шароитида: 147- «Бюджет маблағлари бўйича бюджет маблағлари олувчилар олдидаги мажбурият» субсчёти) ёки:

³¹ М.Остонакулов. Бюджет ҳисоби. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007, 357-359 бетлар.

Дебет: 230 - «Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш» субсчёти (*Ҳазначиликка ўтиш шароитида: 237- «Бюджет маблағлари бўйича бюджет маблағлари олувчилар олдига мажбурият» субсчёти*);

Кредит: 060-069- «Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» субсчётлари.

Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича аниқланган камомадлар ва нобудгарчиликлар айбдор шахслар ҳисобига қўйилганида қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

а) материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг бухгалтерия ҳисобидаги баҳолари бўйича суммаларига

Дебет: 170- «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

Кредит: 060-069- «Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» субсчётлари.

б) материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг бухгалтерия ҳисобидаги баҳолари бўйича қиймати билан уларнинг чакана баҳолари бўйича қиймати ўртасидаги фарқ суммасига

Дебет: 170- «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

Кредит: 140- «Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти (Ҳазначиликка ўтиш шароитида: 293- «Тегишириш натижалари бўйича аниқланган материаллар ва моддий қийматликларнинг ортқичалари бўйича келиб тушган суммалар» субсчёти) ёки

Кредит: 230- «Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш» субсчёти (Ҳазначиликка ўтиш шароитида: 293-«Тегишириш натижалари бўйича аниқланган материаллар ва моддий қийматликларнинг ортқичалари бўйича келиб тушган суммалар» субсчёти).

Иқтисодий ислохотлар ҳозирги босқичида ривожланган бозор иқтисодига эга давлатлар тажрибаларини чуқур ўрганиб, Ўзбекистоннинг

Ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бюджет қонунчилигини ривожлантиришимиз зарур. Фикримизча, “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунда бюджет тизими, унинг жараёни ва ижроси давомида юзага келадиган, аниқ баён этилган муносабатларни тартибга келтириб турувчи бюджет механизми ҳам жорий қилинган. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлат бюджети муҳим восита сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолади. Ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиши фақат давлат бюджети маблағларини сарфлашнинг ўзгача тартибини яратиш орқали бюджетдан молиялаштириш ва дотациялар бериш усуллари билан эмас, иқтисодиётни молиявий тартибга солишга ўтишга имкон берувчи иқтисодий усуллар ёрдамида таъминланади. Давлат бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш йўллари, молиялаштириш тартиби, мутахассислар малакаси, иш тақсимооти, бюджет маблағлари харажатлари шаклланиш жараёнидаги муаммоларни ечиш йўллари ва бошқалар бозор муносабатлари шароитидаги энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Бунда шунингдек, чет эл тажрибасини ўрганиш асосида бюджет маблағлари мақсадга мувофиқ сарфланишини назорат қилиш катта аҳамият касб этади.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Юқоридаги назарий таклиф ва амалий тавсиялар амалга тадбиқ этилса, бюджет ташкилотларида молиявий назорат услубияти такомиллашган бўлар эди, хусусан:

Молиявий назорат бўйича иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида илмий асосланган гуруҳлаштириш тартиби ишлаб чиқилди. Бунда молиявий назорат мажбурий ва ўз ташаббусига кўра, мажбурий молиявий назорат эса ўз навбатида, дастлабки назорат, кундалик назорат, якуний назорат каби гуруҳларга ажратилади. Шу билан бирга бозор муносабатлари шароитида молиявий назоратнинг асосий усули - тафтишни ташкил этишнинг ўзига хос томонларига тасниф берилади.

Худудий молия бўлимлари мавқеи ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда муассасалар раҳбар ва бухгалтерия ҳисоби ходимларининг маъсулияти ошади. Бюджет маблағларини марказлаштириш фақат Молия вазирлиги рухсати билан амалга оширилиши, тежалган маблағни марказлаштириб, маблағ тўплаш ва уни мақсадли йўналтириш имконияти туғилади.

Бюджет маблағларини ишхоналарни дабдабали жиҳозлаш, турли фирма ва кичик корхоналарга мақсадсиз ўтказиш ҳолларига чек қўйилади.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси бюджет сиёсатининг харажатлар қисмида ҳам устувор йўналишларни белгилаб олиш, бюджет харажатларини меъёрий усулларга ўтказиш, бюджет ташкилотларига эркинлик берадиган, уларнинг моддий манфаатдорлигини оширадиган тизим яратиш ва маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетидаги ролини, мавқеини ошириш зарур.

III Боб. Самарқанд вилояти Ғазначилик бошқармасида молиявий назоратни такомиллаштириш

3.1. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан молиялаштириш ҳисобини молиявий назорати

Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шаклланиши бошқа соҳалар каби молия соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз беришини кўзда тутди. Давлат бюджетларидан фойдаланишда жумладан, бюджет маблағларини ўз эгаларига муддатида етказиб бериш, улардан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш давр талабларидан биридир.

Иқтисодий ислохотлар жараёнида давлат бюджети маблағларидан самарали, тежаб-тергаб ва аниқ фойдаланиш бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш, шунингдек, давлат бюджети харажатлари молиявий назорат тизимини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Текширувларнинг асосий босқичлари реестрда акс этган. Унда назорат қилинадиган муомалалар, текшириладиган ҳужжатлар, амалга ошириладиган муомалага нисбатан молиявий назорат органининг хулосалари кўрсатилган (3.1.8-жадвал).

3.1.8-жадвал

Бюджет таълим муассасалари асосий муомалаларини текширишнинг назорат усуллари

Текширув босқичлари	Назорат текширувининг объекти	Назорат-молиявий органининг хулоса ва қарорлари
Даромадлар бўйича муомалалар, шу жумладан: тўлов шартномаси асосидаги таълим фаолитидан олинган даромадлар бўйича, мақсадли воситалардан олинган даромадлар ва х.к.	Бюджет таълим муассасаларининг сметалари, шартнолар, пул воситалари ҳисоби ва ҳаракати регистрлари	Олинган даромадлар ҳисобининг асосланганлиги, тўлиқлиги. Пул оқимлари бўйича ҳисоботнинг ишончлилиги. Пул воситаларидан фойдаланиш даромадлари ҳисоби ва йўналиш ҳисоби пул ажратмаларининг ҳар бир манбаси бўйича алохида юритилиши таъминланганлиги
Харажатлар ҳисоби, таннарх калкуляцияси ва таълим	Ҳисоб сиёсати, смета, харажатлар ҳисоби бўйича бирламчи	Таълим учун тўлов ҳажмининг харажатлари ҳисоби ва ҳисоб-китобларининг танланган методикаси

Текширув босқичлари	Назорат текширувининг объекти	Назорат-молиявий органининг хулоса ва қарорлари
муассасаларида ўқиш учун тўлов ҳажмлари	хужжатлар, журнал ордерлар, 20,26-счётларнинг аналитик регистрлари, таълим учун тўлов ҳажмининг асосланганлиги, бухгалтерлик маълумот ҳисоб-китоблари.	таълим олишнинг ҳар бир шакли ва тури бўйича асосли қўлланилиши, пул ажратмаларининг ҳар бир манбаси бўйича харажатлар алоҳида юритилиши таъминланганлиги. Воситаларни мақсадли ёки мақсадсиз сарфланиши.
Пул оқимлари ҳисоби	50, 51 счётлар бўйича журнал-ордерлар, касса китоби, касса ва банк хужжатлари	Ҳар бир кирим-чиқим хужжатларида пул воситалари ёки материал бойликлар қайси манба ҳисобидан сотиб олинганлиги кўрсатиб ўтилганлиги. Ташқи хужжатлар расмийлаштирилиши тўғрилиги: тикилганлиги, рақамланганлиги, раҳбар томонидан имзоланганлиги. Касса лимити бузилмаганлиги.
Иш ва иш ҳақи ҳисоби.	Ташкилот раҳбарининг буйруқлари, иш вақтини ҳисобга олиш табеллари, меҳнат артномалари, расшифровкалар, ҳисоб-китоб-тўлов қайдномалари ва бошқалар	Иш вақти ҳисоби табелларини юритиш даврийлиги, уларни тўғри юритилганлиги, уларга тузатишлар киритилмаганлиги, соатбай тўлов учун расшифровкаларни тўғри юритилганлиги, молиялаштиришнинг барча манбалари бўйича ҳисобланган иш ҳақи суммалари, ушлаб қолинган суммалар, бериладиган суммалар турлари бўйича маълумотлар акс этганлиги
Озиқ-овқат маҳсулотлари тушуми ва харажатлари ҳисоби	Келишувлар, шартномалар, тақсимлаш менюлари, тайёр таомлар калькуляцияси, технологик ҳариталар ва бошқалар	Маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш баҳоси, омбор ҳисоби карточкалари юритилишининг тўғрилиги ва тўлиқлиги, технологик ҳариталар асосланганлиги, тайёр маҳсулот бирлиги калькуляциясининг тўғрилиги.
Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби	Бўнак ҳисоботлари	Қайдномалар юритилиши, товар материал бойликларга тўлов характерлари: нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан, ҳисобот бўйича бериладиган суммалар ҳажми, воситалар ажратилган мақсадлар, олинган воситалар бўйича ҳисобот тартиби ва муддатлари
Материаллар ҳаракати ҳисоби	Юк хатлари, талабнома юк хатлари, журнал-ордерлар ва материаллар ҳисоби бўйича қайдномалар, ҳисобдан чиқариш далолатномалари	Материалларни тушиб келиши ва ҳисобдан чиқарилишини улардан фойдаланишнинг йўналишлари кесимларида тўлиқ акс этиши. Харажат ва ҳисобдан чиқаришни асосланганлиги.

Текширув босқичлари	Назорат текширувининг объекти	Назорат-молиявий органининг хулоса ва қарорлари
Асосий воситалар	АВ-1, АВ-4, АВ-6, бошқарув буйруқлари, далолатномалар ва бошқалар	Аналитик ҳисоб ҳолати, инвентар карточкалари, рўйхатлари ва айланма қайдномаларни юритиш. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тўғрилиги ва қонунийлиги. Амортизацияни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тўғрилиги. Таъсисчилар томонидан берилган, совға сифатида олинган ва бошқа мақсадли манбалардан олинган асосий воситалардан фойдаланишнинг самаралилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги.
Муассаса ҳисоботи	Ҳисобот шакллари	Ҳисобот шакллари тўғри юритилганлиги, уларни бухгалтерия регистрлари ва ўрнатилган бухгалтерия ҳисоби талабларига мос келиши. Тушунтириш хатида таълим муассасасининг нотижорат фаолияти хусусиятларини тасвирланиш даражаси, фаолият турлари бўйича ахборотни очиқ ойдинлиги

Давлат молиявий назоратининг ягона тизими – бу ягона қоидалар асосида ташкил этиладиган, ягона қонунчилик меъёрлари ва назорат-тафтиш ҳамда эксперт-тахлилий фаолиятнинг ягона тамойиллари ва қоидаларига асосланадиган, ички ва ташқи давлат молиявий назоратининг яхлит тизимидир. Бу ўринда давлат бюджети маблағларидан фойдаланишнинг молиявий назоратини такомиллаштириш, давлат бюджети маблағлари қўлланишини назорат қилиш борасидаги хорижий тажрибаларни ўрганиш, бюджет назорати билан шуғулланадиган ходимлар малакасини, ҳолислик ва маъсулиятини, тафтиш ва текширишлар сифати ҳамда самарасини ошириш йўллари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Бюджет таълим муассасаларида харажатлар сметасини моддалар бўйича текшириш масаласи катта аҳамиятга эга бўлади. Харажатлар сметасини текшириш бўйича назорат тадбирларини қуйидаги жадвалдаги кўринишда акс эттириш мумкин (3.1.9-жадвал).

Харажат моддалари бўйича назорат тадбирлари реестри

Муассаса	Модда	Иқтисодий ҳолати	Шарҳ
Текширилаётган муассаса	Харажат моддалари ва бўлимлари	Пул маблағлари ортиқча режалаштирилган, тўлиқ харажат қилинмаган, ортиқча харажат қилинган.	Хатолар, уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари.

Ривожланган давлатлар тажрибалари молиявий назоратга алоҳида аҳамият берилаётганини кўрсатади, жумладан, бу йўналишдаги текширишлар эътибор қаратиладиган жиҳатлардан биридир. Япония ҳисоблаш палатасида бюджет маблағлари тушуми, Германия федерал ҳисоблаш палатасида давлат даромади бажарилиши устидан назорат, Франция ҳисоблаш палатасида давлат ҳисобига белгиланган меъёрлар бўйича тушум, Буюк Британия миллий аудиторлик хизматида давлат даромадларини текшириш ишларини олиб бориш бу борадаги фаолият асоси ҳисобланади. Умуман, юқорида қайд этилган давлатлар ҳисоблаш палаталари текшируви моҳиятларидан бирини давлат бюджети даромадлари белгиланган меъёрлар бўйича тушишини назорат қилиб бориш ташкил этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига назоратчи-тафтишчиларни жалб қилиш жараёни тартибга солиниши лозим. Назоратчи-тафтишчилар фақат алоҳида муҳим ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган тадбирларга Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида жалб қилиниши лозим, чунки бу орган ҳукумат органи ҳисобланади.

Бюджет харажатларини ҳисобга олиб боровчи счетларни туркумлаш натижасида молиялаштириш манбалари, фаолият турлари, йўналишлари, харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари уларнинг элементлари ва калькуляция моддалари ҳисоб ва назоратнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мослаштирилади. Шу муносабат билан илмий

ишда таълим муассасалари харажатларини ҳисобга олувчи счетлар туркуми таклиф этилди (3.1.10-жадвал).

3.1.10-жадвал

Таълим муассасаларида жорий йилнинг молиявий натижаси (230-232) счётларига таклиф қилинаётган субсчётлар тизими³²

Субсчётлар тартиби					Аналитик
1	2	3	4	5	
Молиялаштириш манбаларига кўра	Фаолият турлари бўйича	Фаолият йўналишлари бўйича	Харажатларнинг пайдо бўлиш жойларига кўра	Бюджет таълим муассасалари эҳтиёжига кўра	Калькуляция моддалари ва иқтисодий элементлар бўйича
1 - Бюджетдан ажратмалар 2 –Тўлов-контракт маблағлари 3 –Ҳомийлик маблағлари 4 – Мақсадли молиялаштириш 5 – Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар 6 – Бошқа даромадлар	1. Таълим фаолияти	1.Бакалавриатура 2.Магистратура 3.Иккинчи таълим 4. Олий ўқув юртидан кейинги таълим	Факультетлар, филиаллар, бўлимлар, бўлинмалар ва бошқалар	Мутахассислик, дастур, гуруҳ ва бошқалар бўйича	Харажатларни калькуляция моддалари бўйича тақсимлаш жараёнида уларни иқтисодий элементга муносабати бўйича туркумлаш тавсия этилади.
	2. Бошқа нотижорат фаолияти	1.Тиббий хизмат кўрсатиш 2.Техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар		Хизмат кўрсатиш, фаолият йўналишлари ва бошқалар бўйича	
	3. Тижорат фаолияти	1.Мулкларни ижарага бериш 2.Овқатланиш шахобчалари ва бошқалар		Фаолият хусусиятидан келиб чиққан ҳолда	

Мазкур жадвалда бешта йўналиш бўйича субсчётлар туркумланган бўлиб, биринчи тартибда молиялаштириш манбаларига кўра олтига,фаолият турлари бўйича учта, фаолият йўналишлари бўйича саккизта, харажатларнинг пайдо бўлиш жойларига кўра тўртта, бюджет таълим муассасалари эҳтиёжига кўра учта йирик гуруҳга, ва ниҳоят калькуляция моддалари бўйича иқтисодий элементга муносабатига қараб туркумлаш тавсия этилган.

³² Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т., ТДИУ. 2012, 18-бет.

3.2. Тадбиркорлик фаолияти ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракатининг молиявий назорати

Бозор муносабатлари талаблари олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тадбиркорлик фаолияти, бюджетдан ташқари маблағлар топишни ва пуллик таълим хизматларини ривожлантириш билан биргаликда олиб боришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун, бухгалтерия ҳисоби бўйича амалдаги йўриқномаларга, Давлат бюджетида турувчи ташкилотларда Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифи ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ юритилади.

Тадқиқотлар бюджет тизимидаги айрим таълим муассасаларида доимий амалдаги назорат органлари фаолият юритаётганлигини кўрсатмоқда. Ҳар бир таълим муассасасида назорат қилувчи орган нафақат турлича номланиши, балки турли таркиб, турли амал қилиш муддатлари, турли назорат объектлари, турли ваколатларга эга эканлиги аниқланди.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларининг фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизини ўтказишдан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) тариқасида, шунингдек режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисобларида қолган тежаб қолинган (фойдаланилмаган) маблағларни (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) ўтказишдан олинган даромадлар ва харажатларни акс эттириш учун қуйидаги субҳисоблар кўзда тутилган:

1-гурух "Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар" бўйича суммалар, хусусан чорак охири ойининг иккинчи ярми учун иш ҳақини тўлаш учун молиялаштирилган маблағлар, депонентлаштирилган иш ҳақи ва стипендиялар, маблағ билан тўлиқ таъминланмаганлик ёки бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисобварағида маблағларнинг етишмаслиги сабабли олиб бўлинмаган нафақалар суммалари тежаб қолинган бўлиб ҳисобланмайди ва бюджет ташкилотини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварағига ўтказилмайди.

2-гурух "Иш ҳақиға қўшимчалар" бўйича ҳисобланган, бироқ ўтказилмаган иш ҳақиға қўшимчалар, ҳисобланган, бироқ олинмаган пенсиялар, вақтинчалик меҳнатға лаёқатсизлик, туғилиш муносабати билан ва дафн этишға нафақалари суммалари бюджет ташкилотларини ривожлантириш Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварағига ўтказилмайди (7-илова).

Жорий даврнинг таҳлилларини кўрсатишича, тўлов-контракт қиймати таркибининг асосий қисмини талабаларни стипендияси ва профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи ташкил этмоқда. Уларнинг мунтазам равишда оширилаётганлиги ижобий ҳолат бўлиши билан бир қаторда, мутаносиб равишда улар ҳам ўз навбатида тўлов-контракт суммаларининг оширилишини талаб этади. Бу масаланинг ечими сифатида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабаларни ҳам бюджет маблағлари ҳисобидан стипендия билан таъминлаш орқали ижтимоий ҳимоялаш механизмини яратиш мақсадға мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон буйруғига илова қилиб тасдиқланган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома»ға мувофиқ 25- "Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий

йилга молиявий натижалар» счёти ҳисобда қуйидаги субсчётларга бўлинади.³³

250- «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар»;

251- «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

252- «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар».

250- «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субсчётнинг дебитида йил охирида ҳисобдан чиқарилган мазкур маблағлар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади, бунда 251- «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.

Субсчёт кредитида эса, йил мобайнида ҳисобланган таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадларни ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда, 252- «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар» субсчёти дебетланади. Бироқ, бу счётларда тадбиркорлик ва таълим хизматлари бўйича даромадлар, харажатлар ва молиявий натижалар ўз аксини топмай қолган. Маълумки, олий таълим тизимини молиялаштириш бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ҳозирги пайтда олий таълим муассасаларининг фаолиятини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг асосий қисмини ўқитиш учун контракт тўловлари ташкил этади, лекин унинг қиймати барча харажатларни тўлиқ қоплай олмайди, унинг ҳажмини

³³ «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17-декабр 105-сонли буйруғи. Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрдаги 2169-рақам билан рўйхатга олинган. - Т.: «Saydana-PRINT», 91-92 бетлар.

белгилашда эса албатта аҳолининг тўлов қобилияти даражаси инобатга олиниши лозим. Демак, мазкур шароитда олий таълим муассасалари молиявий маблағлари таркибидаги тадбиркорлик маблағлари улуши ва миқдорини ошириш лозим бўлади. Ваҳоланки, бугунги кунда унинг ҳиссаси олий таълим тизимини молиялаштиришда ўртача 5 фоизни ташкил этмоқда. Келгусида эса унинг молиялаштириш манбалари таркибидаги улушини 50 фоизга етказиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим тизимини ислоҳ қилишда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланишни консолидациялаштириш, бюджет ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, молиявий (бюджет) интизомни мустаҳкамлаш асосий омил ҳисобланади.

Таълим тизимидаги бюджет ташкилотлари ресурсларидан самарали фойдаланиш биринчи навбатда харажатларнинг оптимал ҳажмини белгилаш орқали кутилган натижага эришишга олиб келади. Бунинг учун олий таълим муассасаларига бюджет маблағларини молиялаштиришнинг ўрта муддатли - уч йиллик тизимини жорий қилиш ва уларга кузатилаётган мақсад кутилаётган натижадан келиб чиқиб, харажатлар таркибини белгилашда эркинлик бериш механизми таклиф этилади.

Олий таълим муассасаларининг молиявий механизмини такомиллаштириш уларнинг молиявий ва хўжалик эркинликларини кенгайтириш, бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятларини кенгайтириш орқали амалга оширилади.

Олий таълим тизимида инвестицияларни жалб этиш масадида мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ташкилот ва муассасалар, шунингдек жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий фуқароларга ўзларининг пул ва натура кўринишидаги қўйилмаларини солиқ ва йиғимлардан озод қилишнинг махсус тизими давлат томонидан жорий қилиниши таклиф этилади.

Хусусан, олий таълим муассасасининг тадбиркорликдан олинган даромадлардан профессор-ўқитувчиларга иш ҳақи тўлашда барча солиқ ва ажратмаларни 10 фоизгача камайтириш тадбиркорлик маблағларини кескин ошиши ва профессор-ўқитувчиларни манзилли ижтимоий ҳимоялашга ва олий таълим муассасасини моддий-техника базасини ривожлантиришга имконият яратади.

Илмий-техника салоҳиятидан фойдаланишнинг олий таълим тизимини ривожлантиришдаги кўзланган бош мақсади, бир томондан, таълим тизимида фаолият олиб бораётган илмий салоҳиятни давлат томонидан қўллаб қувватлаш, иккинчи томондан, олий таълим ва илмий муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва фаоллигини ошириш орқали қўшимча маблағларни жалб қилиш имконияти туғилади.

Янгича шароитда молиялаштиришни амалга ошириш олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида мақсадли мутахассис тайёрлаш тизими орқали таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар таркибидаги олий ўқув юртларини молиялаштириш борасидаги васийлик кенгашлари фаолияти тажрибасини кенг оммалаштириш зарур. Бунинг учун яқин келажакда молиялаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ушбу тизимни шакллантиришнинг ҳуқуқий базасини яратиш асосида босқичма-босқич ўтиш ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг кенг қатламлари олишлари қулай бўлган таълим кредитлари орқали молиялаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида гаров талаб қилинмайдиган имтиёзли кредитлар (касаначилиқ фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар учун ажратилгани каби) учун ресурс ажратиш механизминини ишлаб чиқиш ва ҳукумат тасдиғига олиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, пулли таълим фаолиятини амалга оширишдан олинган тушумлар бюджет таълим муассасаларини молиялаштиришни асосий манбаси ҳисобланади, шунинг учун биз турли

таълим фаолиятидан келиб тушадиган даромадларни акс эттириш методикаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқдик. Биз томонимиздан аниқланган пулли таълим хизматлари ва бюджет таълим муассасаларини молиялаштириш тузилмаси хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасининг пулли таълим фаолиятини амалга оширишдан олинadиган даромадлари тушунчасининг қуйидаги таърифини таклиф этамиз: *«Таълим муассасасининг пулли таълим фаолиятидан олинган даромадлар деб юридик ва жисмоний шахслар (таълим жараёнида таълим олувчи сифатида қатнашувчи томонидан, учинчи шахслар томонидан), ушбу таълим муассасасида таълим олиш билан боғланган жисмоний шахс томонидан таълим олиш Шартномасида ўрнатилган пул воситалари тушуми ва мулк тан олинади. Пулли таълим фаолиятидан олинган даромадлар таълим муассасасини молиялаштиришнинг манбаларидан бири ҳисобланади ва улар таълим жараёни харажатларини қоплаш, (шу қаторда иш ҳақиға) уни мазкур таълим муассасасида ривожланиши ва такомиллаштирилишига йўналтириш керак».*

Юқоридаги таклиф этилаётган пулли таълим фаолиятининг даромадларини аниқлаш усуллари амалдаги меъёрий ҳужжатларга мос бўлиб, уларни қўллаш натижасида амалиётдаги пулли таълим хизматлари такомиллашади.

Кўрсатиб ўтилган таклифни қўллаш пулли таълим фаолиятидан олинган даромадларни тушумдан, шунингдек мақсадли молиялаштиришдан ажратиб олишга имкон яратди.

Бунга биз томонимиздан таклиф этилган пулли таълим фаолиятининг даромадларини аниқлаш тартибида қуйидаги муҳим шартлар мавжуд эканлиги туфайли эришилди:

а) олинган даромадларни маълум таълим олувчини ўқитиш билан боғлиқ бўлганлиги шарти, яъни воситалар олиниши пулли бўлишини англатади;

б) олинган воситаларни мажбурий таълим жараёнига қайта инвестициялаш шarti, яъни бу шарт амалга оширилаётган фаолият нотижорат йўналишга эканлигини тасдиқлаб беради.

Бизнинг фикримизча, пулли таълим фаолияти амалга оширишнинг даромадлари ва харажатлари бухгалтерия ҳисоби шундай ташкил этилиши зарурки, у токи тўлов асосида махсус нотижорат таълим фаолияти олиб борилаётганлиги ҳақида тўлиқ, ишончли ва солиштириш мумкин бўлган ахборот бера олиши керак. Ўтказилган тадқиқот натижасида биз IV «Молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётлар» бўлими – 253- «Тадбиркорлик фаолиятининг даромадлари ва харажатлари» счётига махсус синтетик ҳисоб рақамларини киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Таълим фаолиятини амалга ошириш амалга ошириш харажатлари молиявий назоратни ташкил этишдаги муҳим масала - бу таълим хизматлари қийматининг амалдаги харажатлари ҳисоблаш тартибига риоя этилаётганлигини назорат қилиш ҳисобланади.

$$T_{\text{ХК}} = И_{\text{СА}} + Ж_{\text{Х}} + P_{\text{Х}}^{34} \quad (1)$$

Бунда: $T_{\text{ХК}}$ – таълим хизматларини қиймати;

$И_{\text{СА}}$ – профессор-ўқитувчилари ва холимларининг иш ҳақлари, стипендиялар ва иш ҳақидан ажратмалар;

$Ж_{\text{Х}}$ – таълим муассасаларининг жорий харажатлари (сарф харажатлари, коммунал тўловлар, ахборот-алоқа воситаларига тўловлар, хўжалик харажатлари, биноларни сақлаш харажатлари, ўқитиш билан боғлиқ бошқа харажатлар);

$P_{\text{Х}}$ – таълим муассасасини моддий-техник базасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар.

Мазкур формулани шартли рақамлар асосида қуйидагича ҳисоблаймиз.

$$T_{\text{ХК}} = (506,0 + 126,5 + 126,0) + (113,7 + 76,0) = 948,2 \text{ минг сўм.}$$

³⁴ Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т., ТДИУ. 2012, 16-бет.

Молиявий назоратни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири мазкур жараёнга бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартларини қўллаш масаласи ҳисобланади. Бюджет харажатларини ҳисобга олиб боровчи счетларни туркумлаш натижасида молиялаштириш манбалари, фаолият турлари, йўналишлари, харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари уларнинг элементлари ва калькуляция моддалари ҳисоб ва назоратнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мослаштирилади. Шу муносабат билан илмий ишда таълим муассасалари харажатларини ҳисобга оловчи счетлар туркуми таклиф этилди (3.2.11-жадвал).

3.2.11-жадвал

Таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш харажатлари ҳисоб-китобининг натижалари (Битта шартнома учун)

Мутахассислик	Таълим муддати	Таълим учун тўлов	Ривожлантириш ва такомиллаштириш харажатларини ҳисобга олган ҳолда таълим учун тўлов миқдори			
			Биринчи усул бўйича		Иккинчи усул бўйича	
			Сумма, минг сўм	Ўзгариш, % *	Сумма, минг сўм	Ўзгариш, % *
1	2	3	4	5	6	7
«Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит»	5 йил	270 000	280 000	3,7	288 692	6,9
Курслар «1С: Бухгалтерия»	6 ой	21 000	31 000	47,6	22 869	8,9
Курслар «Бухгалтер-кассир»	3 ой	10 000	20 000	100	10 934	9,3

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан таъминланадиган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари тўғрисида Низом»нинг 17 «Баланс моддаларини инвентарлаш» – деб номланган параграфидаги 71-пунктда «Ташкилотлар асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар, моддий бойликлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон

билан рўйхатга олинган 19-сон «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» номли Ўзбекистон Республикаси БҲМСга мувофиқ инвентарлашни ўтказишга мажбурлар» – деб таъкидланган³⁵.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 11 августдаги СБ/03-04-04/866-сонли хатига мувофиқ тасдиқланган «Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби асосий шакллари қўллаш бўйича услубий кўрсаткич»да фақат бюджет ташкилотлари асосий воситаларини «Асосий фондларни ҳисобга олиш инвентар қайдномаси» (ОС-6-шакл), гуруҳлари бўйича ҳисоб инвентар қайдномаси (ОС-9-шакл) ва «Асосий фондларнинг инвентар рўйхати» (ОС-13-шакл)лари келтирилган ҳолос. Шу сабабли, тадқиқот ишида бюджет ташкилотларида инвентарлаш бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини қўллаш, шунинг билан бирга, юқоридаги меъёрий ҳужжатни «Моддий захиралар», «Жорий счётлар ва ҳисоб-китоблар», «Касса», «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари» каби ҳисоб регистрлари билан тўлдиришга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янги механизми ва уни амалда қўлланилишини шаффофлигини таъминлаш мақсадида бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш усулини ижтимоий-гуманитар йўналишдаги таълим муассасаларига жорий қилинишини назорат қилишни тавсия этамиз:

$$\begin{aligned} \text{БСВ} &= (\text{БНЗ1} * \text{К1} + \text{БНЗ2} * \text{К2} + \text{БНЗ3}) * \text{N} \\ &+ (\text{БНД1} * (\text{Ндс} - \text{Ндсв}) + \text{БНД2} * \text{Ндсв})^{36}, \end{aligned} \quad (2)$$

$$\text{БСВ} = 2177 + 96 + 65 = 2338,0 \text{ минг сўм}$$

³⁵ ЎЗР АВ 13.02.2001 й. 1005-сон билан рўйхатга олинган. ЎЗР МВ 22.01.2001 й. 13-сон буйруғига илова. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: «ФАН», 2008. 51-91 бетлар.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори. “Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг Харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 34-сон, 296-модда) [Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2136].

Бунда: БСВ - ОТМ учун бюджет маблағлари ҳажми;

БН31 - меҳнатга ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов, стипендия ва меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш харажатларини ҳамда моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан устамалар ва қонунчилик билан белгиланган бошқа устама ва қўшимчаларни ўз ичига олувчи ОТМнинг бир талабаси учун жорий харажатларнинг базавий нормативи;

БН32 - 4-гуруҳ харажатлари бўйича ОТМнинг бир талабаси учун жорий харажатларнинг базавий нормативи;

БН33 - асосий активларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми аниқланадиган ОТМнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва яхшилаш харажатлари бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

Н - ҳамма таълим йўналишлари ва босқичлари бўйича ўртача йиллик талабалар сони (сиртқи таълим талабалари учун 0,1 коэффиценти қўлланилади).

86- «Мақсадли молиялаштириш» счётининг тузилмаси бюджет таълим муассасаларини молиялаштириш хусусиятларини акс эттириш лозим: алоҳида субсчётларда молиялаш манбасининг тегишли турини акс эттириш зарурдир. Давлат таълим муассасалари, бюджет таълим муассасаларидан фарқли равишда таълим хизматлари қийматини аниқлаш учун методик базага эга. Масалан, олий ва ўрта касбий таълим муассасаларини молиялаштириш нормативларини ҳисоб-китоб қилиш методикаси бўйича таълим хизматларининг қиймати (Ц) қуйидаги формула орқали аниқлаш тавсия этилган:

$$\mathbf{Ц = Т + И + Р,} \quad (1)$$

Т - жорий харажатлар (ўқитувчилар ва таълим муассасаси бошқа ходимларнинг иш ҳақлари, стипендиялар, ўқув ва хўжалик харажатлари);

И - асосий воситалар ва номоддий активларни тўлиқ қайта тиклашга ажратмалар, асосий фондларни капитал таъмирлаш харажатлари;

P - ривожлантириш учун харажатлар, капитал қурилиш қўшилган ҳолда.

Биз таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг куйидаги методларини таклиф этамиз:

Биринчи усул: (битта шартнома учун)

$$P = Z / K \quad (2)$$

Бу ерда:

P - ривожлантириш учун харажатлар, шу каторда ўқиш учун тўлов ҳажмига қўшиладиган капитал қурилиш харажатлари (сўм);

Z - таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг режалаштирилаётган йиллик харажатлар (сўм);

K - режалаштирилаётган йил учун тузилган шартномалар миқдори (дона);

Иккинчи усул: (битта шартнома учун)

Биз (P) кўрсаткични тақсимлашни ўқитишнинг солиштирма даврларига пропорционал равишда (3,4) формула бўйича санаб чиқишни таклиф этамиз:

$$P = k_1 * p_1 + k_2 * p_2 + k_3 * p_3 + \dots k_m * p_n , \quad (3)$$

Бу ерда:

P - барча шартномалар бўйича ўқитишнинг солиштирма даврларининг қўшилган (умумий) миқдори (хафта, ой, семестр ва ҳоказо);

k_1 - № 1 мутахассислик бўйича тузилган шартномалар сони;

k_2 - № 2 мутахассислик бўйича тузилган шартномалар сони;

k_m - № m мутахассислик бўйича тузилган шартномалар сони;

p_1 - № 1 мутахассислик бўйича ўқитишнинг солиштирма даврлари (хафта, ой, семестр ва ҳоказо);

p_2 - № 2 мутахассислик бўйича ўқитишнинг солиштирма даврлари (хафта, ой, семестр ва ҳоказо);

p_n - № n мутахассислик бўйича ўқитишнинг солиштирма даврлари (хафта, ой, семестр ва ҳоказо).

Ундан кейин таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш харажатларининг ўқитишнинг солиштирилаётган даврида 1 шартномага тўғри келувчи суммани аниқлаш зарур.

$$P_p = Z / \Pi , \quad (4)$$

Бу ерда:

P_p - ўқитишнинг солиштирма давридаги таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш харажатларининг 1 шартномага тўғри келувчи харажатлар суммаси;

Z - таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун йиллик режавий харажатлари

Π - барча шартномалар бўйича ўқитишнинг солиштирма даврларининг қўшилган (умумий) миқдори (хафта, ой, семинар ва ҳоказо);

Кейинги босқичда (P) кўрсаткичнинг ўқиш учун шартномаларнинг ҳар бир турига тўғри келувчи харажатлар суммасини аниқлаш зарур.

$$P_n = P_p * p_n , \quad (5)$$

Бу ерда:

P_n - № n мутахассислиги бўйича таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш харажатларининг 1 шартномага тўғри келувчи харажатлар суммаси;

P_p - ўқитишнинг солиштирма давридаги таълим жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш харажатларининг 1 шартномага тўғри келувчи харажатлар суммаси;

p_n - № n мутахассислик бўйича ўқитишнинг солиштирма даврлари (хафта, ой, семестр ва ҳоказо).

Нотижорат ташкилотлари учун амалдаги қонунчилик меъёрларига амал қилишни таъминлаш, ҳисоб ахборотини ишончлилигини ошириш, воситалар ва бюджет таълим муассасаларининг бошқа мулкани мақсадсиз сарфланишини одини олиш учун, шунингдек улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун тадқиқот ишида бюджет таълим муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ички назорати чоралари

асосланган ва ишлаб чиқилган. Молиявий назорат мавжудлигидан жамият ҳам, шу жумладан, давлат ҳам қонунни ҳурмат қилувчи барча хўжалик юритувчи субъектлар ҳам манфаатдордир, чунки бундай тизим давлат, жамият, хусусий мулкчилик ва салоҳиятли инвесторларнинг молиявий манфаатларини самарали ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи боб бўйича хулоса

Мазкур бобда бюджет ташкилотларида бюджет асосий фаолиятни бюджетдан молиялаштириш масалалари тадқиқ этилган. Бунда бюджет таълим муассасалари асосий муомалаларини текширишнинг назорат усуллари, харажат моддалари бўйича назорат тадбирлари реестри ва шунингдек, таълим муассасаларида жорий йилнинг молиявий натижаси (230-232) счётларига қўшимча счётлар таклиф қилинди. Бешта йўналиш бўйича субсчётлар туркумланган бўлиб, биринчи тартибда молиялаштириш манбаларига кўра олтита, фаолият турлари бўйича учта, фаолият йўналишлари бўйича саккизта, харажатларнинг пайдо бўлиш жойларига кўра тўртта, бюджет таълим муассасалари эҳтиёжига кўра учта йирик гуруҳга, ва ниҳоят калькуляция моддалари бўйича иқтисодий элементга муносабатига қараб туркумлаш тартиби тавсия этилган.

Тадбиркорлик фаолияти ва бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олиш бўйича қўшимча субсчётлар очилди. Пулли таълим фаолиятини амалга оширишнинг даромадлари ва харажатлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда IV «Молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётлар» бўлими – 253- «Тадбиркорлик фаолиятининг даромадлари ва харажатлари» счётига махсус синтетик ҳисоб рақамларни киритиш бўйича таклифлар берилди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назорат борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Мустақиллик йилларида ҳукуратимиз томонидан республикамызда таълим тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Таълим тизими ходимлари иш ҳақи иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан тахминан 1,5 баробар кўп ўсганлиги, соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган йиллик харажатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги ва давлат бюджети харажатларидаги улуши ортиб бораётганлиги, бу эса, ўз навбатида, молиявий назоратнинг зарурлиги ва долзарблигини оширишни талаб этмоқда.

2. Илмий ишда молиявий назоратнинг ахборот базасини мустаҳкамлаш, самарали бошқарув қарорлари қабул қилишнинг илмий асосларини такомиллаштириш мақсадида олий таълим тизимидаги таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари туркумлаштирилди.

3. Молиявий назорат зиммасига юклатилган вазифаларнинг сифатли ва тўлиқ бажарилиши таълим тизимида молия интизомининг мустаҳкамланишига, қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, тадқиқот ишида молиявий назоратнинг олдига қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, унинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

4. Тадқиқот ишида иқтисодий адабиётдаги манбалар чуқур тадқиқ этилиши натижасида молиявий назоратнинг илмий асосланган гуруҳлаштириш тартиби ишлаб чиқилди. Бунда молиявий назорат мажбурий ва ўз ташаббусига кўра, мажбурий молиявий назорат эса, ўз навбатида, дастлабки, жорий ва якуний назорат каби гуруҳларга ажратилди. Шунингдек, бозор муносабатлари шароитида молиявий назоратнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган тафтиш ўтказиш ишларини ташкил этишнинг услублари ишлаб чиқилди.

5. Тадқиқот ишида молиявий назорат ривожланишининг асосий йўналишлари белгиланиб, назоратнинг услубий асосларини такомиллаштириш; бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда молиявий назоратнинг янги шакл ва усуллари ҳисобланган аудит хизматидан, хусусан, ички аудитни қўллаш, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан бюджет ташкилотлари фаолиятини молиявий назорат қилиш жараёнида фойдаланиш бўйича таклифлар берилган.

6. Таълим тизимини ислоҳ қилишда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан қонунга биноан ва оқилона фойдаланиш бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг асосий шарти ҳисобланади. Тадқиқот ишида молиявий интизомдаги бузилишлар турлари бўйича гуруҳланган, уларнинг олдини олиш мақсадида субъектлар умумий фаолиятида қатнашиш даражасига кўра ички назорат субъектлари таснифланди.

Тадқиқот ишида таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тадқиқот ишида молиявий назоратнинг асосий усуллари туркумлаштирилди ва уларнинг тамойиллари гуруҳлаштирилди. Натижада молиявий назоратни ташкилий тизими халқаро амалиётга мос келиши ва унинг 8-11 фоизга самарали фаолият кўрсатиш таъминланади.

2. Илмий ишда таълим тизимида молиявий назоратни оптималлаштириш мақсадида бош бухгалтер муовини - аудитор лавозимини ходимлар рўйхати бўйича мониторинг ва ички назорат бўлими таркибига киритиш зарурлиги илмий-амалий жиҳатдан асосланди.

3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий назоратни давлат томонидан мувофиқлаштириш йўллари таклиф этилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- олий таълимда молиявий назорат соҳасидаги муайян меъёрий-ҳуқуқий базани, пировард натижада эса, молиявий назорат органлари фаолиятини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш;

- молиявий назоратчиларни текширув натижалари сифатига кўра моддий рағбатлантириш ёки уларни касбий хатолари учун жарима санкцияларига тортиш орқали моддий манфаатдорлигини кучайтириш;

- бюджет маблағлари харажатлари самарадорлигини ошириш учун бюджет муассасаларида харажатлар лимитига риоя қилиниши, тегишли ўлчов асбобларининг тўғри ишлатилиши, лимит бўйича ва лимитдан ортиқ харажатларнинг сабабларини назорат қилиш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

4. Таълим муассасаларида молиявий назоратни амалга ошириш шубҳасиз, бухгалтерия ҳисобининг счётлар тизими такомиллашувига бевосита боғлиқдир. Илмий ишда бюджет муассасалари харажатлари бешта субъектлар кесимида ҳамда аналитик счётлар бўйича туркумланган. Бунинг натижасида тизимли ҳисоб юритиш, уни автоматлаштириш ва молиявий назоратни амалга оширишга имкон яратилади.

5. Тадқиқот ишида бюджет ташкилотларининг молиявий назорат жараёнларига бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини қўллаш мақсадида «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» номли БХМСни қўллаш тавсия этилган. Мазкур амалий тавсиянинг жорий этилиши натижасида мулклар, ҳисоб-китоблар ва моддий қийматликлар бўйича олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотида йилига 12-14 фоиз маблағлар иқтисод қилинади.

6. Таълим муассасаларида йўл қўйилаётган молиявий интизом бузилишлари иқтисодий белгилари бўйича туркумланди, уларни бартараф этиш ва олдини олиш жараёнида фойдаланилиши лозим бўлган меъёрий ҳужжатлар тавсияларига амал қилиниши натижасида бюджет ташкилотига йилига 10-15 млн. сўм иқтисодий самара беради.

7. Тадқиқот ишида олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган 4-гурӯх харажатлари сарфини амалга ошириш бўйича намунавий тартиб-қоида ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2004. – 344 б.
3. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. – Т.: 30.08.1996.
4. Аудиторлик фаолияти тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир). – Т.: 25.05.2000.
5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. - Т.: «Адолат», 2008. - 692б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, вазирлар маҳкамасининг қарорлари

6. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4058-сонли Фармони. 28.01.2009.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 19-20-сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.А.КАРИМОВНИНГ АСАРЛАРИ

8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 56 б.

9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 56 б.

10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 440 б.

11. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – 36 б.

12. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013. – 48 б.

IV. АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

13. Аренс А., Лоббек Д.Ж. Аудит. Пер. с англ. под. ред. Я.В. Соколова, - М.: Финансы и статистика, 1995.

14. Абдуллаев А., Қаюмов И. Бухгалтерия ҳисоби. II нашр. – Т.: «Минҳож», 2002. – 191 б.

15. Болибеков Б. Савдо корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш масалалари. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. – 184 б.

16. Бобожонов О. Жуманиёзов К. Бошқарув ҳисоби. – Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2005. – 368 б.

17. Бухгалтерия ҳисобига доир низомлар. – Т.: «Норма», 2007.– 272 б.

18. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. – Т.: «Молия», 2002. – 672 б.

19. Врублевский Н.Д. Управленский учет издержек производства: теория и практика. – М.: «Финансы и статистика», 2002. – 352 с

20. Гадоев Э.Ф., Ҳайдаров Ш.У. ва бошқалар. Йиллик ҳисобот 2008. – Т.: «Норма», 2009. – 576 б.

21. Гулямова Ф.Г. Учетная политика предприятия. – Т.: «Мир экономики и права», 2004, – 208 с.

22. Гулямова Ф.Г. Самоучитель по бухгалтерскому учету. – Т.: «Мир экономики и права», 2004. – 432 с.
23. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти, 2003. 612 б.
24. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати. - Т.: Молия, 2005.
25. Остонакулов М. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Здравплюс/ЮСАИД, 2004.
26. Остонакулов М. Бухгалтерский учет исполнения сметы расходов бюджетных организаций. - Т.: Здравплюс/ЮСАИД, 2004.
27. Ostonakulov M. Accounting for Budgetary Organizations. - Т.: ЗдравПлюс/ЮСАИД, 2004.
28. Ostonaqulov M. va boshqalar. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. - Т.: Yozuvchilar uyushmasi nashriyoti, 2005.
29. Остонакулов М. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охирги ўзгаришлар. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007.
30. Остонакулов М. Последние изменения в бухгалтерском учете бюджетных организаций. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007.
31. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби.–Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007, 472б.
32. Хасанов Б. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. – Т.: «Молия», 2003. – 248 б.
33. Хасанов Б.А. и др. Калькулирование себестоимости продукции. – Т.: «Фан ва технология», 2008. – 160 с.
34. Хасанов Б., Ҳошимов А. Бошқарув ҳисоби. – Т.: «Иқтисод-молия», 2005. – 308 б.
35. Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. – М.: «Финансы и статистика», 2001. – 416 с.
36. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудит ва қишлоқ хўжалик товарлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш.

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ва автореферат. – Т.: «Банк-молия академияси», 2002.

37. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: «Банк-молия академияси», 2004.

38. Одилов Э.Т. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда молиявий назоратни такомиллаштириш (монография). - Т.: ЎзФА «ФАН», 2005, 99б.

39. Хасанов Б.А., Узоқов К. Солиқлар ва назорат. - Т.: ТМИ, 1994, 56 б.

40. Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик. - Т.: Молия, 2003.

41. Соколов Я.В., Бычкова С.М. Роль теории аудита в процессе подготовки кадров. // М.: Аудиторские ведомости. - 1998, №2.

42. Тулаходжаева М.М., Илхамов Ш.И., Ахмаджонов К.Б. ва бошқалар. Аудит. Дарслик. Т.: Иқтисодиёт, 2011.

43. Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан. Т.: Мир экономики и права, 1998.

44. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. – Т.: TDIU, 2010, 265 б.

45. Файзиев Ш.Н. Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2006.

46. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009, 556 б.

47. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Moliyaviy va boshqaruv tahlili. O'quv qo'llanma. - Т.: TDIU, 2010, 367 б.

48. Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т., ТДИУ. 2012.

V. ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

49. Edmonds, Thomas P. Fundamental Financial Accounting Concepts /Thomas P. Edmonds, Frances M. McNair, Edward E. Milam, Philip R.Olds. Printed in the «USA», McGraw-Hill, Inc., 2006. 601-pag.

50. Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., – Irwin.: «USA», 2005. 926 - pag.

51. Horngren, Charles T. Introduction to management accounting /Charles T. Horngren, Gary L. Sundem. 8th ed. – London: 2003. 826 - pag.

52. Penne Ainsworth, Dan Deines, R. David Plumlee, Cathy Xanthaky Larson. Introduction to Accounting : An integrated Approach. – Irwin: «USA», 2007. 29-30 pag.

53. Ходиев Б.Ю. ва бошқ. И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент: «Иқтисодиёт», 2009. 32б.

VI. ДАВРИЙ НАШРЛАР, СТАТИСТИК ТЎПЛАМЛАР ВА ҲИСОБОТЛАР

54. Йиллик статистик тўплам 2012 й. – Тошкент: Госкомстат Республики Узбекистан, 2012.

55. Статистический ежегодник регионов Узбекистана 2012 г. – Ташкент: 2012, Госкомстат Республики Узбекистан.

56. Промышленность Узбекистана 2012 г. – Ташкент: 2012. Госкомстат Республики Узбекистан.

57. Узбекистан в цифрах 2012 г. – Ташкент: 2006. Госкомстат Республики Узбекистан.

58. Самарқанд вилояти Ғазначилик бошқармасининг йиллик ҳисоботлари.

VII. ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

59. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги <http://www.minjust.uz>
Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги
<http://www.mineconomy.uz>
60. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги <http://www.mf.uz>
61. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги <http://www.mexnat.uz>
62. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
<http://www.stat.uz>
63. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
<http://www.soliq.uz>
64. www.mf.uz
65. www.finansexpress.uz
66. www.dissertation.com
67. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)
68. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)
69. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)